

Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi_bot

Тўйларини нишонлаётган ёшларимизга бахт тилаб, бахт – бу дабдаба ёки 500 кишилик базм эмаслигининг жонли мисоли бўлишади, деган дуодамиз. Карантиндан кейин ҳам шу хайрли анъанани давом эттириб, исрофни бир четга суриб, тўйлар қилишса яхши бўларди.



30

KISHILIK TO'Y...

yoxud baxtli hayot qurish uchun dabdaba shart emas

6

Qoyilmaqom reja

YOXUD BIROVGA CHOH QAZISANG...

– Алло, Манманхон Изтопаровна, қалайсиз? Совға ёқдимиз? Интернетдаги энг яқин дўстлар ичидаги "Каминаю камтарин" номли akkaунтни эгасини эсладингизми? Юқорида ишлайдиган ашаддий "мухлис" ингизни танидингизми? Ёзишган хабарлару бизга қарши ўзим билан тузган режаларин-

гиз ҳам кўлимда. Далиллар бисёр. Эртага ишхонага келиб, ўз хоҳишингиз билан ариза ёзасизми ёки овора бўлиб қолмаслигингиз учун, тайёрлаб кўяйликми?

12

Авалло о'zingizdan uyaling!



Тахририятимизга бир мактуб келди. Чекка қишлоқларнинг бирида бир қизни ака-укалари ва отаси ҳатто коллежга жўнатмай кўяди, ёмон йўлга юриб кетади, деб. Лекин ўша қиз 30га кирганда номусидан ажрайди. Ахир уят бўлади билан иш битмайди. Бу қиз балки ўқиганида, оқу қорани кўрганида олдинроқ турмушга чиққан ва номусидан ажрамаган бўлармиди? 7

"Yor-yor" dan mosuvo taqdirlar



– Шаҳримизда номуси топталган қизларнинг 60-70 фоизи ўғай оталар томонидан зўрланган. Шу боис аввало, оналар узларини тарбия қилсинлар, қиз фарзандларига кўпроқ эътибор қаратсинлар, деган булар эдим.

8

OBOD XONADONDA FAYZ VARAKA BO'LADI



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида маҳалла тизими фаолиятида учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” тамойилини ижтимоий ҳаётга кенг жорий этишнинг устувор вазифаларига қаратилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов видеоселектор йиғилишини кириш сўзи билан очар экан, жамиятнинг ажралмас бўлаги ҳисобланувчи маҳалла ва оила институтларини қўллаб-қувватлаш борасида давлат сиёсатининг жойлардаги ижросини таъминлашда вазирликнинг куйи тузилмалари олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди.

Айтиш лозимки, ўтган давр мобайнида маҳалла тизими фаолиятини ривожлантириш, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизимни ҳар бир маҳаллада жорий этиш борасида зарур норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, фуқаролар йиғинларида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, маҳаллаларда ишни тўғри ташкил этиш, камбағалликни қисқартириш, томорқадан самарали фойдаланиш, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича вазирлик томонидан бир қанча дастур ва режалар ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан “Обод хонадон”, “Обод кўча” “Обод маҳалла” тамойилларини амалиётга жорий этиш, ҳар бир оилада маиший маданиятни мустаҳкамлаш, хонадонлар ва кўчаларни обод қилиш бўйича белгилаб берилган муҳим вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу муҳим ҳаётий аҳамиятга мولик тамойилларни республикамизнинг барча маҳаллаларида қарор топти-

риш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан шу йилнинг 10 июнидан бошлаб аҳоли орасида тарғибот ва амалий чора-тадбирларни июнь-август ойларида амалга оширишга қаратилган Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.

6 та йўналиш ва 44 та банддан иборат ушбу Ҳаракатлар режасининг ижросини таъминлаш доирасида карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда маҳаллалардаги ҳар бир кўчани ободонлаштириш, хонадон ва томорқа маданиятини ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар олиб борилади ва амалий чоралар кўрилади.

Мазкур хайрли ва савобли ишларга туман ва шаҳарларда ташкил этилган Нурунийлар жамоатчилиқ кенгашлари аъзолари ҳам фаол жалб этилади.

Шунингдек, кам таъминланган ва камбағал оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини касб-хунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш, даромад манбаини шакллантириш орқали камбағалликдан чиқариш чоралари

амалга оширилади.

Ижтимоий фаол кекса авлод вакиллари кенг жалб этган ҳолда ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар ўтказилади.

“Саломатлик учун беш минг қадам” шиори остида ҳар кун кечки пайт маҳаллаларда ташаббускор нурунийлар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирокида пиёда юриш тадбирлари ташкиллаштирилади.

Видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, Ҳаракатлар режасида белгиланган чора-тадбирларни карантин қоидаларига қатъий риоя этиш, ижтимоий масофани сақлаган ҳолда амалга ошириш чоралари кўрилади.

Тадбирда Ҳаракатлар режаси доирасида ишлаб чиқилган ва Тошкент вилояти Оққўрғон туманида амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури мисолида ҳар бир туман (шаҳар) ўз дастурини тасдиқлаб, шу асосда иш олиб бориши зарурлигини айтиб ўтилди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	
РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДАГИ “ОБОД ХОНАДОН” БҮЙИЧА 3 ОИ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР	
<p>Ташмирланадиган хонадон 823 050</p> <p>Учқоқоналар: янги қуриладиган 7525 таъмирланадиган 6234</p> <p>Ҳаммомлар: янги қуриладиган 13362 таъмирланадиган 18832</p> <p>Ошхоналар: янги қуриладиган 9526 таъмирланадиган 14050</p> <p>Тендикхоналар: янги қуриладиган 9267 таъмирланадиган 7547</p>	<p>Иссиқхоналар: янги қуриладиган 75458 таъмирланадиган 3139</p> <p>Молхоналар: янги қуриладиган 7231 таъмирланадиган 7441</p> <p>Қўйхоналар: янги қуриладиган 19361 таъмирланадиган 7121</p> <p>Товуқхоналар: янги қуриладиган 26973 таъмирланадиган 7943</p> <p>Ҳоҷатхоналар: янги қуриладиган 5879 таъмирланадиган 14802</p>
<p>Маҳаллалар сони 9145</p> <p>Хонадонлар сони 7 044 785</p> <p>Оилалар сони 8 629 802</p> <p>Камбағал оилалар сони 583 535</p>	

“Yashil ulovlarning boriga shukur”



8 – июндан пойтахтимизнинг яшил ва сариқ ҳудудлари бўйлаб автобус қатнови йўлга қўйилди. Шаҳар кўчаларида яшил уловларнинг сони ортиб, бекатларда йўловчилар интизорликлари ҳам бошланди.

Ишга шошар эканман, 57-автобусга чиқдим, табиийки, йўловчилар доимгидан икки баробар кам, лекин уларнинг ҳаяжон ва қувончлари (гарчи ниқоб тақиб олишган бўлсада) кўзларидан билиниб турибди. Салонга яқиндагина чиққан онахон ҳайдовчинини танир эканми билмадим, у билан куюққина саломлашди. Ва кўлини дуога очиб хурсандчилигини дуолари билан ибодлади: “Топганимларга барака берсин, умринглар узоқ бўлсин, яхшиям сизлар борсизлар...”

Ҳамюртларимизнинг кўзларида барқ уриб турган қувонч аломатларини кўрар эканман, улардан бирини суҳбатга тортдим:

– Тўғриси бугун кайфиятим жуда яхши, – дейди ўзини Дилмурод дея таништирган уста. – Эрталабдан ишга автобусда кетаётганимдан хурсандман. Шу вақтгача топган пулимни ярми таксига йўл ҳақи бўлиб кетаётган эди (кулиб), мана энди топганимизга ҳам барака киради. Пойтахтимиз файзига файз қўшадиган, юртдошларимизнинг узоғини яқин қиладиган автобусларнинг бориға шукур.

ВАСИЛА.

oilavajamiyat@mail.ru

YANGI VAZIRLIK TUZILGACH

Nimalar o'zgardi?

Шу йил март ойидан бошлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгач, барча ҳудудларда унинг таркибий бўлинмалари фаолият юрита бошлади. Жойларда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, бўлимларининг раҳбарлари тайинланди. Қатор жамоат ташкилотлари эндиликда шу тузилма таркибидан иш бошладилар, шу жумладан, хотин-қизлар кўмитаси ҳам. Айни карантин кунларига тўғри келгани тўғрисида мазкур янги бошқарма асосий фаолиятини оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларга хайрия кўмакларини амалга ошириш ишларига йўналтирмоқда, бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали хабардоримиз. Ушбу тузилманинг афзаллиги нимада, айни кунларда унинг қуйи бўлинларида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу ҳақда мутасаддиларнинг фикрини билдик.

учун яхши биламан, бирор оилага борсак, аввало, ундаги хотин-қизларга эътибор қаратардик. Унинг моддий аҳволини яхшилаш, бандлигини таъминлаш чораларини кўрардик. Лекин бу оила, аёлнинг муаммоси фақат у билан боғлиқ бўлмастлиги мумкин. Дейлик, турмуш ўртоғи ичкиликка берилган, вояга етмаган фарзандлари ҳуқуқбузарлик содир этган ва ҳоказо масалалар аёлнинг оиласидаги нотинчликка сабаб бўлган ҳолатлар ҳам кўп учради. Бундай пайтда хотин-қизлар кўмитаси аниқ бир ҳаракатни амалга оширишга қийналарди. У ёки бу жамоат ташкилотларини жалб қилар, табиийки, унинг ижросига келганда ечим сусти бўларди. Чунки йўналишлари ўхшаш бўлса-да, аммо ташкилот ҳар хил, у ўз топширигини, бошқаси эса ўзига белгиланган вазифани амалга оширишни истади.

Эндиликда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ҳам уч нафар ўринбосари бўлди. Яъни маҳалла раисига илгариги мутахассис вазифаси ўрнига хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосар, тадбиркорлик ва ободонлаштириш ишлари бўйича, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ўринбосарлар

тайинланиб, ўз йўналиши бўйича ишларни амалга оширмоқда. Айни кунларда ушбу лавозимларга номзодлар заҳираси шакллантирилмоқда. Профилактика инспекторлари ҳам маҳалла раисининг ўринбосари ҳисобланиб, ҳар бир маҳаллада фаолият олиб боради.

Замира МУРТАЗОЕВА, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси Ургут туман бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари:

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш, оилавий қадриятларни шакллантириш каби масалаларни қамраб олади. Фақат хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи вазибаларимиз рўйхатида белгиланмаган. Аммо оилавий қадриятларни мустақкамлаш деган қисмининг ўзи жиноятчиликнинг олдини олишда албатта, тарғибот ишларини олиб боришимизни тақозо қилади. Ҳозирча карантин тўғрисида фаолиятимизни асосан кам таъмин-



Касаба уюшмаси

билан ҳамкорликда 10 нафар кам таъминланган, ногиронлиги бор қизларнинг бандлигини таъминлаш учун етти нафарига тикув машинкалари, 1 нафарига сартарошлик учун анжомлар, пишириқ пишириб сотиши учун зарур буюмлар ажратилди.

– Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича биринчи ўринбосари фаолияти илгариги хотин-қизлар кўмитаси раиси фаолияти билан жуда ўхшаш. Ушбу вазифада ҳам

ланган оилаларга ёрдам масаласига қаратганмиз. Карантин бошлангандан бери аҳолининг кам таъминланган қисмига катта ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди, айни пайтда бу ишлар давом этмоқда. Икки мингдан зиёд оилага моддий кўмак кўрсатилди. Касаба уюшмаси билан ҳамкорликда 10 нафар кам таъминланган, ногиронлиги бор қизларнинг бандлигини таъминлаш учун етти нафарига тикув машинкалари, 1 нафарига сартарошлик учун анжомлар, пишириқ пишириб сотиши учун зарур буюмлар ажратилди. Рўйхатимизга кўра, яна туманда 523 нафар оғир ижтимоий вазиятдаги хотин-қизлар бор. Уларга манзилли ёрдам кўрсатиш ишлари давом этмоқда.

Гулруҳ МҶМИНОВА
ёзиб олди.

Феруза РАҲИМОВА:
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси Каттақўрғон шаҳар бўлими раҳбари:

– Ушбу тузилманинг аҳамияти шундаки, у илгариги бир нечта жамоат ташкилотлари амалга ошираётган ишни яхлит ҳолда юритади ва бевосита натижаларини назорат қилиб боради. Илгариги ўзим хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида ишлаганим



Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши %да



Туманлар бўйича истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати (2020-йил, январь-апрель)

	Млрд.сўм	Жамига нисбат улуши %да	2019-йил январь-апрель ойларига нисбатан
Тошкент ш.	5903,2	100	112,6
Учтепа	307,1	5,2	106,9
Бектемир	1260,9	21,4	126,5
Юнусобод	276,2	4,7	104,1
Мирзо Улуғбек	502,6	8,5	104,7
Миробод	443,0	7,5	113,1
Шайхонтохур	443,6	7,5	113,6
Олмазор	525,5	8,9	102,0
Сергели	455,7	7,7	109,0
Яккасарой	271,7	4,6	107,2
Яшнобод	854,7	14,5	118,2
Чилонзор	562,1	9,5	107,6

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ахборот хизмати.

Бугунги вазиятда барчамизни COVID 19 вируси қачон бартараф бўлади деган савол қийнапти. Бутун дунё ҳамжамиятини таҳликага солган, инсонлар ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлган вирус юртимизда ҳам кезиб юрибди. Асосан ҳаво орқали юқадиган бу иллат бир инсондан иккинчи инсон организмга жуда тез ўтиб ривожланади. Касалликнинг дунё бўйлаб тарқалишига айнан инсонлар ва баъзи ҳолатларда ҳайвонлар ҳам сабабчи бўляпти.

BIRGALIKDA YENGAMIZ

Шу боис барча давлатлар пандемияга қарши жиддий кураш олиб боришмоқда. Олимлар касалликка қарши дори воситасини излаш билан, бошқалар эса уйда ўтириб вирус ташувчи бўлиб қолмаслик ўйли билан ҳаракат қилмоқда. Фавқулдда вазиятлар вазирлигининг туман бўлимлари ҳам ўзларига бириктирилган ҳудуд ҳолатини яхшилаш учун ҳаракат қилишмоқда. Пандемияга қарши курашиш учун жойларда карантин ҳолатлари жорий этилган. Карантин ҳудудларида ҳар бир фуқаро уйда ўтиришлари учун туну кун махсус орган ходимлари навбатчилик қилишмоқда.

Хусусан Яккасарой тумани ҳудудида ҳам дезинфекция ишлари амалга оширилмоқда. Осузда ҳаётимиз посбонлари, туман санитария-эпидемиологик осойишталик маркази, фавқулдда вазиятлар ва ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда тумандаги марказий кўчалар, маҳаллалар, савдо марказлари ва деҳқон бозори жойлашган ҳудудларда, бино ва иншоотларда профилактик зарарсизлантириш ишлари олиб борилмоқда. Май ойида ўтказилган дезинфекция ишлари давомида туман ФВБдан 240 нафар, туман

СЭОМдан 300 нафар ва 350 нафар кўнгилчилар қатнашиб, туманда жойлашган объектларни 600 маротаба, кўчаларда 1 230 000 м.кв майдонни 630000 литр махсус эритма сарфланган ҳолда дезинфекция ишлари амалга оширилди.

Вирусни тўлиқ энгиб ўтмагунимизга қадар, лоқайдликка, хотиржамликка берилмаслигимиз, дезинфекция ишларини сусайтирмаслигимиз лозим. Фуқароларимиз ҳам кундалик турмушнинг ижобий ташвишлари ва ҳаракатларини ўйлаб, ҳаётининг бебаҳо хазинаси саналмиш – саломатлигига бефарқ бўлмасдан иш тутишса, албатта ҳар қандай муаммони ҳамжихатлик билан енгамиз. Улардан асосий талаб қилинадиган вазифа зарурат бўлмаганда уйларида чиқмасликлари зарур, иш билан кўчага чиққанларида ижтимоий масофани сақлаган ҳолда ҳаракатланишлари шунингдек, гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилишлари керак.

Маъруф ШАРИФОВ,
Яккасарой тумани ФВБ
профилактика назорати
инспектори, катта лейтенант.



TAQIQLANGAN JOYDA CHO'MILMANG!



Ёз фаслини интиқлик билан кутган болажонларимиз тезроқ таътил бошлана қолса дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришни ҳаёлида режалаштириб юргани бор гап. Айниқса, болалик ёзини чўмилишсиз тасаввур қилиш қийин. Албатта, юртимизда пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда. Болаликнинг бундай онларини барчамиз бошимиздан ўтказганмиз. Дўстларимиз билан йиғилиб, уйдан яширинча чиқиб анҳорга кетардик. Бу дамларнинг ўзига хос гашти бор эди. Даврлар ўтса-да, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёткорлик зарар қилмайди.

Иссиқ кунларда бебош болаларнинг тақиқланган жойларда чўмилиш ҳолатлари жуда кўп кузатилади. Психологик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўғил болаларнинг табиатида "қилма!" деган ишни албатта, бир бор бўлса ҳам бажариб кўришга бўлган иштиёқ кучли бўлади.

Кўпинча сузишни билмаслик, сузиш тажрибасининг йўқлиги ва ўзининг жисмоний қобилиятини инобатга олмадан сув киргоғидан узоқлашиб ёхуд тажрибасига ҳаддан зиёд ишониб, тақиқланган сув ҳавзаларида чўмилиш, чўкиш билан боғлиқ мудҳиш ҳолатларни келтириб чиқаради. Негаки очик сув ҳавзаси доимо хавф-хатарга тўла.

Бугунги кунда, Яккасарой тумани ФВБ томонидан чўмилиш билан боғлиқ фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш борасида изчил ислохотлар, турли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Айниқса, ёшлар орасида тушунтириш-тарғибот ишлари кучайтирилган. Уларга турли тавсиялар берилиб, тез оқар, чўмилиш хавфли бўлган ҳудудларга махсус "чўмилиш тақиқланади" деб ёзилган белгилар ўрнатилмоқда.

Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида аҳоли салқин, сувли жойларга интилади. Шундай вазиятларда биз қуйидагиларга эътибор қаратишимиз жоиз:

- ☞ Сув ҳавзалари ёнига катталарсиз яқинлашиш;
- ☞ Нотаниш ва тақиқланган жойларда чўмилиш;
- ☞ Ўтиб кетаётган қайиқлар яқинига сузиб бориш;
- ☞ Чеклаш белгиларидан сузиб ўтиш;
- ☞ Нотаниш жойда калла ташлаш;
- ☞ Кўприклар, тўғонлар, қайиқлардан сувга сакраш қатъиян ман этилади.

Оилавий ҳордиқ чиқаришга борганимизда албатта сувда сузиш учун махсус қайиқлардан фойдаланамиз. Бунда ўзига яраша эҳтиёткорлик талаб қилинади:

- ☞ Эгасиз ва техник носоз қайиқлардан фойдаланманг;
- ☞ Кўтқариш ва сув чиқариб ташлаш воситаларисиз шунингдек, қаттиқ шамол бўлганда сузишга чиқманг;
- ☞ Сузиш воситаларига техник паспортда кўрсатилганидан ортиқ йўловчи ва юк ортмиш ман қилинади;
- ☞ Сув устида бир қайиқдан иккинчисига ўтманг;
- ☞ Қайиқдан сувга калла ташламанг;
- ☞ Қайиққа ўтиргандан кейин жойидан туриш, ўйнаш, жой алмашиш, чайқатиш мумкин эмас;
- ☞ Қайиқда одамлар чўмилаётган жойга бориш мумкин эмас;
- ☞ Қоронғи тушганда сузиш воситаларидан фойдаланманг;
- ☞ 14 ёшга тўлмаган болаларга катталар ҳамроҳлигисиз сузиш воситаларидан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Юқорида келтирилган маълумотларга амал қилган ҳолда иш олиб борсангиз дам олиш кунингиз кўнгилдагидек ўтади. Сизнинг тинчлигингиз – бизнинг тинчлигимиз!

Достон МАҲҚАМБОВ,
Яккасарой тумани ФВБ норма-
тив техника бўлими маси бошлиғи,
катта лейтенант.

ULUG' SHOIR MEROSIGA ENTIROM

Миллатимиз маънавийати ва адабиётининг сўнмас сиймоларидан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарлари теранлиги ҳамда бадийий юксаклиги билан башарият муклига айланган. Улуғ мутафаккирларнинг ижод намуналари ёш авлодни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялайди.

Шу билан бирга умумбашарий ғояларни улуғлаш орқали инсонларни комилликка етаклаш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим маънавий қалқон вазифасини ўтайди.

Шу боис, уларнинг адабий меросини ўрганиш, ўсиб келаётган авлодга ушбу бой хазинанинг қадри нақадар қимматли эканлигини тушунтириш муҳим вазифалардан биридир.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Миллий Гвардия ҳарбий техник институти билан ҳамкорликда ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишлаб "Адиблар хиёбони – маънавият маскани" мавзусида маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда бир гуруҳ маънавият тарғиботчилари, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов, Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Абдулхай Собиров, Миллий Гвардия ҳарбий техник институти ходимлари ва курсантлари, матбуот ва оммавий



Мукаррам АЗИЗ.

ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Дастлаб курсантлар томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари, улуғ мутафаккир қаламига мансуб ғазаллар тадбирга ўзгача файз бағишлади. Иштирокчилар Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодига бўлган эҳтиром, ўлмас асарлари она тилимизнинг шухратини, беқиёс гўзаллиги ва нафосатини ўзида мужассам этганини яна бир бор намоён этдилар.

VAFODOR Ayol QISMATI



Жом қишлоғи ик-
кига бўлинади.
Ўртасидан Тош-
кент-Термиз катта машина
йўли ўтади, юқори Жомнинг
ўртасидаги 22-мактабдан
Ойпарча момонинг уйи жуда
узоқ эмас, сув бўйига жой-
лашган.

Бизлар шу мактабда ўқиб юргани-
мизда Ойпарча момо бир ўзи яшарди.
Бир уй, бир даҳлизи бўлиб, яна кичик-
кина 3 сотихлик томорқаси, бир тандири
ва пастаккина товухонаси бор эди.
Деярли бошдан-оёқ оқ кийинган момо-
нинг уйи олдида бир туп тут дарахти
бўларди. Момонинг бор бойлиги ана
шулар бўлган.

Ойпарча шу қишлоқдаги Раҳмон
аканинг қизи бўлган, исми жисмига
муносиб қиз бўлди. Отаси дурадгорлик
билан шугулланарди, отасига шогирд
тушган йигит баъзан устози буйруғи
билан аёллар ўтирадиган ички ховлига
кириб турарди. Ана шундай ичкари
ховлига кириб чиқишлар давомида
ёш йигит ва қизнинг бир-бирига кўнгли
тушди. Уста йигитнинг ҳолатига разм
солиб қараса, қўлидан иш келади, чаққон,
мулойим, ақлли йигит, ёлғиз онасидан
бошқа ҳеч кими йўқ.

Ўзбекиликда “Тенги чиқса текин
бер” деган мақолига амал қилиб хотини
орқали қизининг Йўлдошга кўнгли бор
эканлигини билди. Бир куни Йўлдошга
онанг бир келиб кетсин деди, саро-
симага тушган шогирд ҳеч нарса дея
олмай каловланиб қолди. Уста ўзича
бўлажак кувёнинг бу ҳолатидан ичида
кулиб қўйди. Йўлдошнинг онаси Зийнат
хола узоқдан гап бошлаб ўзларининг
қариндошлигини айтиб, Йўлдошнинг
яхши шогирд эканлигини дурадгорлик
касбини яхши эгаллаётганини сўзлади.
Раҳмон уста Зийнат момага қараб “бо-
лаларнинг бошини қовуштириб қўйсак”
деди. Зийнат момо кўрқиб кетди, унинг
уйида келин олишга ҳеч нарсаси йўқ
эди. Тўйни қандай қиламиз деганда
Ойпарчанинг отаси Раҳмон ака амал-
лаймиз деди.

Уста Раҳмон қизининг бир умр бахт-
сиз ўтишини билганиданми, ҳаётининг
бошида туганмас бахт ҳадея қилди. У
замонларда йигит ва қиз бир-бирини
кўриб севиб турмуш қуриши жуда
камдан-кам ҳолларда учраган. Ойпарча
ва Йўлдош ўзлари учун тўй бўлган йили
уй қуриб олишди, иморат икки хонали
бўлиб, бир хонаси етти болорли, даҳлиз
беш болорли бўлди. (катта уй томига
еттита болор (ёғоч) қўйилган, ўртача
катталиқдаги). Йўлдошни қўли ишга
келиб қолганди, вассаларни ўз қўли
билан тешадан чиқарди. Уйлари бит-
гач ёшлар ўғилли бўлишди. Уйда зиёд
нарса йўқ, учта кўрпа, тўртта кўрпача,
битта дастурхон бор эди, дастурхон туя
жунидан бўлгани учун уни оила авлод-
дан-авлодга бериб келган.

Йўлдош Ойпарчани жуда яхши
кўрарди, уни осмондан тушган буюк
бахт деб қабул қилганди. Ойпарча
ҳам шундай йигитни бахти бўлганидан
боши осмонга етиб хурсанд яшарди.
Ўғилчаси тугилганда унга катта ота ва
бувилар яхши умид билан Рустам деб
исм бердилар.

О, ўқувчим бу бахт узоққа бормади.
1941 йил 2-жаҳон уруши бошланиб
Йўлдош сентябр ойида кўп қатори Ва-
танин химоя қилиш учун урушга жўнаб
кетди. Йўлдош урушга кетадиган кеча-
си туни билан иккаласи кўз юмишма-
ди. Ойпарча тинимсиз йиғларди, уруш
даҳшатли, ҳеч кимни аямайди деб
кўрарди. Кўз очиб кўргани эсон-омон
oilavajamiyat@mail.ru

қайтиб келишини худо-
дан сўрарди. Йўлдош
ўзини ўйламас, ўғли би-
лан хотинини ўйларди,
онаси қари, буларга ёр-
дам беролмайди, Ой-
парчага онасидан хабар
олиб туришини ёки бир-
га яшашларини сўради.
Бу гапларни Ойпарча
эътироссиз қабул қилди
ва худодан эрини омон
қайтиб, тирик қолишини
сўрарди.

Аммо ҳаёт шафқатсиз,
осмон – йироқ, ер – қаттиқ,
урушга кетган Йўлдошдан
орадан тўрт ой ўтиб
“қорахат” келди. Ойпарча
ва қайнонасининг боши-
га Жом тоғлари кулаб
кетгандай бўлди. Унинг
уйи шундоққина катта
йўл ёқасида бўлгани учун
Йўлдошнинг онасининг
йўқлови кечаси ёки кундуз тинмай
эшитиларди. Кампир кун бўйи йиғлаб
ўғлини йўқларди.

Борай десам боролмайман,

Кўрай десам кўролмайман.

Йўлдошжон дунёлардан,

Сени кўрмай ўлолмайман.

Орадан яна тўрт йил ўтди.
Йўлдошнинг онаси Рустамга қараб
ўтирарди. Бола икки аёлнинг ягона
ишончи, сунянган тоғи, овунчоғи, гул-
лаган боғи эди. Ёз кунлари ҳамма
аёллар каби Ойпарча колхознинг
бугдойини ўришга кетган эди. Ёз эмасми
Рустам ўзидан катта болалар билан
уйи яқинида оқаётган сувга бориб
чўмилади, ўшанда ариқнинг устидан
девол қилинган болалар шу ердан
сузиб ўтишини ўйин қилардилар, су-
зиб ўтаётган Рустамнинг боши тошга

Умрининг охиригача
Йўлдош ва Рустам-
нинг кийимларини
авайлаб сақлади.

Уйининг ичида
сувалган жойда
Йўлдошнинг қўллари
изи қолган экан, де-
ворнинг ўша жойла-
рига бориб юзлари-
ни суртарди, жонсиз
девор Йўлдошнинг
қўли бўлиб Ойпарча-
нинг юзини силарди,
эрини ўша панжа изи
туфайли уйда бор
деб биларди.

урилади ва деворнинг
нариги томонида бўлгани
учун жўралари кўрмайди
ва бола сув ютиб нобуд
бўлади.

Кампир воқеани
тушунади-да, шу ондаёқ
юраги санчиб, жон бе-
ради. Йўлдошнинг
ўлимидан сўнг Ойпарча-
ни ҳаётга боғлаб турган
Рустам эди.

Фарзанд доғи она
учун ҳамма нарсадан
огир. Рустам унга сев-
гисидан, жондан азиз
ёридан қолган ёдгор эди,
шу ёдгорни, кўнгил тумо-
рини асрай олмаганидан
ўзини кечирармиди. Иш-
ламаса бўлмайди, уруш
ҳар бир одам ҳисобда ўзи
учун, урушдаги аскарлар
учун, ғалаба учун меҳнат
қилиш керак. Ойпарча...

Ойпарча юраклар ғам-аламдан парча-
парча бўлиб кетди-ку.

Ойпарча ўн саккизида севганидан,
ёлғиз ёдгори ўғлидан йиғирма уч ёшида
ажралди. Дунёнинг ташвишлари уни
шунчалар эздики, у ҳаётда ҳамма
нарсига бефарқ бўлиб қолди.

Умрининг охиригача Йўлдош ва
Рустамнинг кийимларини авайлаб
сақлади. Уйининг ичида сувалган жой-
да Йўлдошнинг қўллари изи қолган
экан, деворнинг ўша жойларига бориб
юзларини суртарди, жонсиз девор
Йўлдошнинг қўли бўлиб Ойпарчанинг
юзини силарди, эрини ўша панжа изи
туфайли уйда бор деб биларди. Ум-
рининг охиригача уйини ўзгартирмади,
турмушга ҳам чиқмади, сўраб келган со-
вчиларга ҳам отаси ҳеч нарса демади.

У қизининг севгисини биларди,

шунинг учун синиқ кўнглига озор бер-
мади. Ич-ичида қизининг яна оила-
ли бўлишини, фарзандлар кўриб
ғам-аламларини биров унутишини
хоҳларди, аммо айтар сўзлари ичида
тугун бўлиб қолди. Ота-она ўтиб кетди.
Ойпарча аста-секин бир ўзи яшашига
кўнликди, колхозда ишлади. Уйи йўл
устида бўлса ҳам қишлоқдан бирон
киши унинг уйини бемаҳал очмади,
бирон гап-сўз бўлмади.

Умр бўйи уйи олдида бирон эчки
ёки сигир боғламади, аммо доим нони-
ёвгон оши бўлди. Мактабга бораётган
болаларга жийдами, туршак берарди.
Уларни орқасидан қараб Рустамжонини
ўйларди, ҳаёлларида уни доим ёш бола
сифатида кўрарди. Эри Йўлдошнинг
қабрини ҳеч ким кўрмагани учун умри-
нинг охиригача кутди. Урушда ўлди деб
“қорахат” келиб яна қайтиб келганлар
кўп бўлган. Ойпарча доим эрини тирик,
деб ўйларди, унинг қўл-оёқлари йўқ, шу-
нинг учун бизнинг олдимишга келмайди,
деб ишонарди, баъзан тушларида эри
юролмай мени олиб кет, портлашда мен
қўлим ва оёғимдан ажралдим дерди.
Бировлар Ойпарча турмушга чиқ, деса
балки эрим тирикдир, қайтиб келса
юзига қандай қарайман, ахир ўлганини
ҳеч ким кўрмаганку деб енгарди.

Ойпарча узоқ умр кўрди, етмиш
иккига кирганда бандаликини бажо
келтирди. Қариб нон ёполмай, овқат
қилолмай қолганида қўшнилари, кириб
хабар олишди. Бир коса овқат ва бит-
та нонни ҳеч ким қизганмади. Чунки
маҳалланинг ёш келинларига унинг
меҳнати синганди.

Ойпарча момо эллик тўрт йил эри-
нинг ҳижронида қирқ тўққиз йил фар-
занд доғида ёниб яшаб ўтди.

Эллик йил ёлғиз яшаш огир
бўлмадимикан, кечалар уйқусиз,
тонг отмайдиған кечалар... вужуди
тўлганмадимикан, йиғирма уч ёш-
лик гўзал жувоннинг орзу-истаклари
йўқмиди, у дардини ҳеч кимга айтолма-
ди, ичига ютди...

Ойпарча момонинг парча-парча
бўлиб кетган юраги эллик тўрт йил мобай-
нида ёлғизлик, кечалари совуқ бешикни
кучиб йиғлаганда, кўз ёшларини артади-
ган ҳеч ким бўлмаганидан, ёстиқлар хўп
бўлди. Шамоқлар унинг ёшли юзини ар-
ти, одамларга ҳадеб нолиш қилиши яхши
эмаслигини биларди. Шунинг учун эри-
дан қолган биргина тўнини деворга бир
умр осиб қуйганди, тўнни миҳдан олиб
кечалари силаб-сыйпаларди, бешикни
очиб ичидаги тагликларини қайта-қайта
бошқатдан тахларди, Рустамжонидан
қолган уч-тўрт кийимни кўзларига суртиб
ўтди, армонлари, орзулари ич-ичида
қолиб кетди.

Вафодорман деган сўзларни ай-
тиб қичқирмасе ҳам эллик тўрт йил
вафо чирогини ёқиб яшаган Ойпарча
момонинг рухлари шод, охиратлари
обод бўлсин... Шунча азоб, ҳижрон,
соғинч ёлғизликка бардош беролди.
Бу аёл ҳатто ўқийши ҳам билмаган,
шоҳи-атласлар киймаган, кўргани ҳам,
билгани ҳам меҳнат бўлган...

“Қорахат” келган эрини эллик тўрт
йил ёлғиз уйларда танҳо кутиш...
биргина ёдгоридан ҳам жудо бўлиб,
келмайдиган эрини келади деб кутиш
ожизанинг қўлидан келди...

Эй уруш мана сенинг оқибатларинг,
яна сенга нима дей, бу аёлнинг ва-
фодорлиги, балки бугун учун эртақ-
дир, бироқ Ойпарча момонинг сабру
садоқати, метиндек бардоши бутун
Жом қишлоғига керак бўлса, юртимиз
қилинларига, аёлларига ибрат олиб
яшашига арзийди.

Дилором ЁРМАТОВА.

Тўйлар хусусида гап борар экан, яна ўша мавзуми, дея халёга борар-сиз балки. Лекин сўз юри-тадиганларимиз кечаги кун эмас, аксинча, айнан бугунги кун ёшлари, келажимиз эрталарининг ўзгарган дунёқарашлари, асл ўзбеклигимизни англатувчи урф-одатлар тўғрисидадир.

Миллатнинг жонкуяр фарзанди Маҳмудхўжа Бехбудий тўйларга нисбатан шундай таъриф берган эди: "Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразмими гумон этарсиз? Ёинки, сил ва махавликни дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош, бевоё, хонавайрон ва ғариб этгучи бир дард, биз – туркистонийларни шаҳри ва кишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тирикчилигимизга сорилгон ва бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататургон тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман."

Дарҳақиқат, миллат маърифатпарварининг куюнчаклик билан айтган бу сўзлари 100 йил ўтиб ҳам долзарблигини йўқотмаган. Мен сендан кам эмасман, деб тўйни кимўзар пойгага айлантираётганлар, икки ёшнинг бошини қовуштириш баҳона атрофдагиларга ўзининг молу давлатини кўз-кўз қилмоқчи бўлганлар айнан бизнинг орамизда кўп-кўп топилади.

Куни кеча барча ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали дабдабага бурканган тўйларни қисқартиришлар борасида роса бонг урилган, қанчадан-қанча ишлар амалга оширилишига қарамай, натижага эриша олмаган эдик. Дабдабали тўйларимиз ҳатто бизни тинч ҳаётимизга ҳам даҳл қилаётган эди.

Айни кунларда бутун дунё оғир бир вазиятни бошидан ўтказмоқда. Ҳар бир банд турли синовлар қаршида турибди. Мавжуд вазиятни ёшларимиз ҳам тўғри қабул қилиб, карантинга риоя қилган ҳолда никоҳдан ўтишни бошлашди. Бу дегани, биз ҳар қанча ҳаракат қилиб ҳам қисқартира олмаган тўйларимизни ҳаётнинг ўзи йўлга солиб берди.

ДУНЁҚАРАШИ ЎЗГАРГАН ЁШ- ЛАР


Олмалик шаҳар ФХДБ бўлимига борганимизда, у ерда янги ҳаёт бошлаш арафасида ариза топширгани келган ёшларни учратдик ва улар билан суҳбатда бўлдик.

Сайфиддин Маҳмудов ва Муҳайё Тўхтамуродовлар, карантин вақтида 30 кишидан иборат яқинлари даврасида ихчамгина тўй қилишни режа қилганларини ва бу хулосага айнан икки ёш биргаликда ота-оналари билан маслаҳат қилишган ҳолда келишиганини айтишди.

– Биз учун муҳими дабдаба эмас, энг кераклиси, бахтли ҳаёт куришдир. Бахт учун ҳашам шарт эмас, аксинча, ота-оналаримиз дуоли ва бизни бахтимизни кўриб қувонишларининг ўзи етарли. Яхши ниятда яхши амалга қўл урдик. Ихчамгина тўй ўтказиб, ундан иқтисод қилинган пулга уй-жой олиб, яшаш учун қулай шароит яратишни мақсад қилганмиз, – дейди бўлажак

30 KISHILIK TO'Y...

yoхud baxtli hayot qurish uchun dabdaba shart emas



куёв Сайфиддин Маҳмудов.

СИЗ ЖАННАТГА ЭМАС, ҲАЁТГА КЕТАПСИЗ...

Келин-куёвларга ширингина бахт тилаб, шаҳар ФХДБ бўлими раҳбари Саодат Мирзаирова суҳбатига ошқидик.

– Республика махсус комиссиясининг ахборотида асосан, амалдаги карантин талаблари 15 июнга қадар узайтирилди.

"Я ш и л" худудларда кўшимча равишда, оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимлар-

ни фуқароларнинг уй жойи ва ҳовлисининг ўзида 30 кишидан кўп бўлмаган (фақат яқин қариндошлар ва ушбу туман ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа қариндошлар) ҳамда санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказишга рухсат берилди.

Ўз навбатида карантин даврида оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни ўтказишнинг белгиланган талабларини бузган шахслар эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Олмалик шаҳар ФХДБ бўлимига никоҳ қайд этиш юзасидан келин-куёвларимиз ариза билан мурожаат этишяпти. Улар билан ўтказилган суҳбатда, доимий равишда ўтказиладиган савол-жавобдан ташқари, бугунги кундаги вазиятдан келиб чиқиб, пандемияга қарши кураш қоидаларига амал қилиш тартиби алоҳида тушунтириб ўтилмоқда.

Бўлғуси келин-куёвларни тушқунликка тушмасликларни тушунтириш янада ошириш мақсадида, вилоятимизда ягона бўлган бўлимимизнинг тантаналар залида келин-куёв ва гувоҳлар иштирокида, оила курувчиларнинг биринчи ҳужжати ҳисобланган никоҳ гувоҳномаси тантанали тақдим этилмоқда, – дейди шаҳар ФХДБ бўлими раҳбари С.Мирзаирова.

Карантин вақтида ҳам ходимларимиз томонидан навбатчилик асосида иш ташкил қилинган бўлиб, жорий йил май ойида 58 нафар жуфтликларнинг никоҳлари қайд этилди. Бизга шу

кунгача ариза топширган ёшларнинг 70 фоизи ихчамлаштирилган тўйга рози бўлишиб, ҳаракатни бошлаб юборишган.

Яна бир қувонарли жиҳатни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Айни кунларда ажримлар сони кескин камайган бўлиб, пандемия сабаб ўрганишнинг кечиктирилиши баъзи оилаларнинг ярашишига сабаб бўлмоқда.

БЎЛҒУСИ КЕЛИН-КУЁВЛАР УЧУН ОНЛАЙН ДАРСЛАР

Турмуш остонасида турган ёшларга ҳаёт сабоғидан тавсиялар бераётган Республика "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази шаҳар бўлимимиз раҳбари Баҳринос Тангирова билан суҳбатни давом эттирар эканмиз, улардан ҳам ёшлар учун қизиқарли маълумотлар олишга муваффақ бўлдик.

– Карантиндан аввал бўлажак келин-куёвлар учун марказимиз томонидан иқтисодий, психологик, диний ва тиббий билимлардан иборат ўқув дарслари ташкил қилинган эди. Ҳозирги шароитда эса биз уларга ушбу ўқув курсини онлайн ташкил қилдик. Яъни гуруҳ ташкил этилган бўлиб, ушбу гуруҳ орқали шаҳар имом хатиби, маҳаллалардаги намунали МФЙ маслаҳатчилари, психолог, гинеколог ва уролог каби мутахассисларимиз ёшларимизга керакли тавсияларни видео ва аудио кўринишда бериб бормоқда. Шунингдек, республика "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази психологининг аудио файллари гуруҳларда ёшлар учун мунтазам тавсия этилаёпти.

ИХЧАМ ТЎЙНИНГ ТУҲФАЛАРИ

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, "Тинчлик" МФЙда истиқомат қилувчи Тожинос Жонталиева ўғлини уйлантирмоқчи эканлигини, ҳар иккала қудда тараф ҳам 30 кишидан иборат тўйга рози бўлишгани ва бўлажак куёв Ислом Каримов номидаги Тошкент техника университетини Олмалик шаҳар филиали талабсиз бўлганлиги боис, тўйдан иқтисод қилинган пулга, куёвнинг контракт пулини тўлашга келишиб олишганини билдиришди. Шунингдек, "Олтин" МФЙда истиқомат қилувчи Умрқул Мирзавалиев ҳам ихчам тўй ўтказиб, иқтисод қилинган пулга автоулоқ олишни режалаштирибди.

Усмон Носир ҳамда Муқимий маҳаллаларида истиқомат қилувчи ҳамшаҳарларимиз Муҳайё Раҳимова ва Ойбек Эргашевлар ҳам жорий йил 12 июнь куни турмуш қуришаётганини маҳаллага маълум қилиб, оила аъзолари билан келишган ҳолда 30 кишидан ортмаган ихчам тўй ўтказиш ва иқтисод қилинган пуллар эвазига рўзгор камчиликларини тўлдириб, кейинчалик автоулоқ олиш ниятида.

Хулоса шуки, ёшларимизнинг тафаккури, фикри, дунёқарашини ўзгармоқда.

Бу каби ижобий ўзгаришлар, нафақат карантин даврида, балки карантиндан сўнг ҳам давом этишига умид билдириб қоламиз.

Тўйларини нишонлаётган ёшларимизга бахт тилаб, бахт – бу дабдаба ёки 500 кишилик базм эмаслигининг жонли мисоли бўлишди, деган дуодамиз. Карантиндан кейин ҳам шу хайрли аънанани давом эттириб, исрофни бир четга суриб, тўйлар қилишса яхши бўларди.

Дилдора АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент вилояти.

Awwalo o'zingizdan uyaling!

Ёшлигимизда катталар бирор ножўя иш қилсак уят бўлади, ўша уятнинг ортида жуда катта қадриятларимиз мужассамдек. Ахир андиша қилганимиз учун ҳам, юзимиз қизармаслиги учун ҳам, нопок ишлардан, ножўя қилмишлардан сақланамиз. Лекин уятнинг кейинги пайтларда қиймати, қадри йўқолиб бораётгандек.

Масалан, тез-тез қилган хатосини яшириб унданам катта хатоларга йўл қўяётганларни кўп кузатамиз. Бундан уч ойлар олдин чала туғилган икки нафар эгизак фарзандини елим халтада ташлаб юборган қиз муҳокамаларга сабаб бўлганди. Хўш, у аёл нега шундай қилди? Албатта, никоҳсиз туғилган боладан жамиятдан, одамлардан уялгани учун шундай қилди, дерсиз? Лекин ўзидан, икки нафар (майлида 21 ҳафталикми, чала туғилганми, ўлик туғилганми, факт унинг чўли биёбонга ташлангани)беғуноҳ боладан уялмади. Бунга ким сабабчи яна ўша жамият, ота-она, муҳит айбдор. Уят, уят, уят деяверганимиз учун қизлар ҳомиладор бўлиб қолса бошқаларнинг олдида шарманда бўлмаслик учун болаларини ҳожатхонага ташлайди, туғиб ахлатхонага ташлаб кетади ёки бир-варакайга эгиз фарзандни елим халтага солиб ташлайди. Одамлар кўрмаса, шарманда бўлмаса бўлди. Хорижда менимча УЯТ деган сўз ишлатилмайди. Уларда уятдан ҳам кўра гуманизм – инсонийлик гоъялари биринчи ўринда туради. Уят сўзи ишлатилмайдию лекин аёллар ҳеч қачон деярли боласидан мана шундай жирканч аҳволда воз кечмайди. Хорижликларнинг уяти бўлмаса ҳам ИНСОНИЙЛИГИ бор. Ҳар бир ишни соғлом ақл билан қилади. Иккиқат бўлиб қолдими туғади, туғиси келмаса ҳомиладорликдан сақланади, лекин бу уларнинг ҳаммаси дуч келган билан никоҳсиз ақиллик қилади дегани эмас. Севса яшади, сева яқинлик қилади, ақиллик қилдими туғади. Ҳар ҳолда беғуноҳ, чорасиз болани туғиб бўғиб ўлдирмайди. Бизда уят деган гап кўп ишлатиладию одамлар кўзига, жамият кўзига ибони, ҳаёли бўлиб кўриниш биринчи ўринда, лекин икки инсонийлик, виждондан уялиш деган нарсалар умуман тарбияланмайди. Бунга оиладаги муҳит сабабчи. Қизларга уят бўлади, ибони бўл деймиз, лекин ИНСОН бўлиш керак деб ўргатмаймиз. Қалбида уятдан ҳам кўра инсонийлиги бўлган қизлар ҳеч қандай



ёмонликка қодир бўлмайди. Қизларимиз олдига ёшлигидан катта мақсадлар қўймаймиз. Онамимиз латта-путтага ўч, эртароқ қизини яхшироқ жойга эрга берса бўлди. Қизингизга эр ҳақида гапирмасангиз, фақат оилани миясига синдирмасангиз эрсиз, оиласиз қолиб кетадигандек гўё. Олдига катта мақсад қўйган қизлар мактаб давридан оқибатда йигитлар билан севишмайди, кўчада ҳаёли, ибони кўриниб ички оламида фақат эр ёки йигит ҳақида ўйламайди.

Тахририятимизга бир мактуб келди. Чекка қишлоқларнинг бирида бир қизни ака-укалари ва отаси ҳатто коллежга жўнатмай қўяди, ёмон йўлга юриб кетади, деб. Лекин ўша қиз 30га кирганда номусидан ажрайди. Ахир уят бўлади билан иш битмайди. Бу қиз балки ўқиганида, оқу қорани кўрганида олдинроқ турмушга чиққан ва номусидан ажрамаган бўлармиди? 30га кирган ўз ҳаётига аллақачон ҳўжайин бўлиши керак бўлган қиз чорасиз, ҳеч ким қўшмай қўйган, оқибатда ўзимни ўлдирман, дейди... Нега, чунки улар ҳаётнинг бошқа томони борлигини билмайдилар. Йигит билан қиз муносабати ҳақида билим йўқ, яъни жинсий ҳаётга тайёр эмаслар. Европалашган оилаларда нимагадир қизлар ва йигитлар дўст бўлиб юрадилару лекин муносабатга киришиб кетмайдилар, чунки уларнинг йигит ёки қиздан қандай яна қизиқадиган нарсалари бор, хоббилари бор. Музиқага қизиқди, санъатга қизиқди, карерага қизиқди. Болаларда у қизми ўғилми ИНСОНИЙЛИКНИ тарбиялаш керак. Уят деган сўзнинг мутлақо қадри йўқ. Худда ўша пайтлари ҳамюртларимиз – 3 нафар эркак қийимсиз бўлиб кўчада такси орақсидан чопишганди. Улар жавобгарликка тортилаётган пайтда юзини тўсди, яъни йўқ. Нега уялди? Уларда уят бормиди? Йўқ, мутлақо йўқ, агар уят бўлганида йўл учун, гаров уйнагани учун қийимсиз кўчада югурмасди.

Унда нега юзини тўсди, шунчаки жамиятдан, одамлардан уялди. Ўзидан уялмади, виждони қийналмади, булар ҳам худди шундайлар тоифасидан — қилаётган қабиҳлиги омма орасига чиқмаса бўлди. Кўпинча гувоҳи бўлаётган бундай воқеалар орқали айримларнинг ҳеч ким кўрмаса бўлди, ҳар қандай қабиҳ иш қилишдан тоймаслигини англашарми. Энг қабиҳ ишни қилиб одамлар орасида ҳеч нарса бўлмагандай яшайверишади, заррача виждони

Кўшимни 30 га яқинлашиб қолган, ҳали эрга тегмаган қизи бир субутсиздан ҳомилади бўлиб қолди. Бечора қиз туғишга аҳд қилди. Лекин худди сиз айтгандай оиладаги муҳит, беш ака-укаю отанинг тазйиқлари, ҳақоратларидан тўйган қиз охири жонига қасд қилди. 4-чи қаватдан ўзини ташлаб юборди. Оиласи, ўз жигарлари бир эмас икки жоннинг қотилларига айланди. Қизнинг беғубор, содда боқишлари ҳали кўз олдимда...

Анвар Аслидинов: – Ҳа уят бўлади, деган тушунчанинг ўзи кифоя қилмайди. Жамиятдан, одамлардан эмас ўзидан, виждонидан уялиши керак. Ана шунда ҳар бир одам қадамни ўйлаб босади.

Мухаббат Элибоева: – Бу инсофсизларда на иймон на инсоф ва на уят йўқ аслида. Энг ачинарлиси онг ҳам йўқ. Онги бўлса ҳеч курса сиз айтгандек исталмаган ҳомиланing олдини оларди, сақланарди...

Қосимжон Раззоқов: – Жуда долзарб муаммо. Бу бошланиши, ҳозирдан олди олинмаса кейин кўп муаммоларни туғдиради. Инсонда билим, айниқса дунёвий билим бўлмаса ҳаётда, жамиятда шахс бўлиб шаклланмайди. Бехудага айтилмаган тарбиялаб таълим берайлик, таълим бериб тарбиялайлик деб...

Ширин Ғафурова: – Европаникидек "Бэйби" бокслар жуда зарур. Ҳеч бўлмаса адашган қизлар чақалоқни ўша эрга ташлаб кетсин, токи уят ниқоби ортида болаларни ўлдирмасин, у болалар бирор оиланинг сеvimиллари бўлиб улғайишсин....

Рая Ернашева: – Аслида фақат қизларни эмас, ўғил болани ҳам тўғри тарбиялаш керак, токи менга нима деб... қиз болани алдаб ёки зўрлаб жабрламасин. Бир сўзми, мард ўғлон бўлиб ўсса, нафақат сингилларини, барча қизларни ва виждони тарбияланмаган бундай худбинлар миллат тузига доғ тушираётгандек туюлади...

Нигора Бўрибоева: —

кўп нарсаларга олиб келади. **Меҳрия Хоним:** – Оналар...аналар...аналар...айбдор кўпинча бундай ҳолларда. Оналар қизлари билан сирдош бўлиши керак, оналар қизларига жинсий ҳаёт, ўзларини асрашлари ва никоҳда ҳалол фарзандларни дунёга келтириш ҳақида тушунтириши керак. Фарзандга нафақат яхши едириб, чиройли кийинтириш, балки чиройли тарбия ҳам бериш керак.

Гулчеҳра Носиржоновна: – Ибрат олишга лойиқ бир воқеа эсга тушди.

Хавотирга тушган аёл гинеколог ҳузурига шошилиб кирди: – Доктор, менда жиддий муаммо бор. Сизнинг ёрдамингиз керак. Болам туғилганига ҳали йил ҳам тўлмади, лекин мен яна ҳомиладорман. Болаларимнинг ёши деярли тенг бўлишини хоҳламайман.

– Хўп. Хўш, мендан нима ёрдам керак сизга?!

– Менинг ҳомиладорлигимни тўхтатсангиз, яъни аборт қилсангиз. Бу иш сизнинг қўлингиздан келади...!

Доктор бир оз сукут сақлаб, шундай деди:

– Менда бундан ҳам яхшироқ фикр бор. Бу сизнинг фикрингиздан ҳам яхши. Соғлигингизга ҳам зарари йўқ. Аёл доктор уни тушинганидан хурсанд бўлиб юзига табассум кирди. Доктор гапида давом этди:

– Мен шундай нарсани тақлиф қиламанки, сизга бирданга иккита фарзандга қараш керак бўлмайди. Келинг, дунёга келган фарзандингизни ўлдирарми. Шунда сиз қорнингиздаги фарзанд дунёга келгунича бироз бўлса ҳам дам оласиз. Нима фарқи бор? Барбир иккита фарзандингиздан биттасини ўлдиршимиз керак-ку... Дунёга келганини ўлдирсак соғлигингизга ҳам хавф туғдирмайди.

Аёл даҳшатга тушиб шундай деди:

– Йўқ, доктор! Бу ахир даҳшат-ку! Тирик фарзандни ўлдириб жиноят-ку!

– Тўғри, гапингизга қўшиламан. Лекин сиз шу жиноятга қўл уришга тайёр эдингиз-ку! Нима фарқи бор?! Қориндаги фарзандни ўлдирасизми ёки дунёга келганинми?! Барбир иккиси ҳам жиноятку...!

Аёл қилган хатосини тушуниб йиғлаб юборди. Доктор эса уни нотўғри йўлдан қайтарганидан хурсанд эди....

Ҳа, қачонки ҳар бир инсон, аввало, ўзидан уялса ноҳўя ишга қўл урмайди. Ахир ноҳўя, нопок ишни яшириш, одамлар кўзидан юриб қилиш мумкин, аммо бу юк билан умрдоғ яшаш осонми? Агар инсоннинг виждони бўлса бу юк билан яшаш ҳам осон эмас. Биз фарзандларимизга ҳақиқий уят ва виждон нима эканлигини тўғри аниқлаб бормоғимиз даркор. Ана шунда ўзидан уялган одам ўзгалар олдида хатосини хаспўшлашга, айбини яширишга ҳам ҳожат қолмайди.

Барно СУЛТОНОВА.

Ана шундай сарлавхали мақолани ўқиб қолганимда, ҳақиқатан, бугунги кунда, «алданиб қолдим» ёки айрим қизлар фалон йигит унга бир дунё ваъдалар бериб, кейин ташлаб кетганини, ишончини суиистеъмом қилганини айтиб, дарди ҳол қилишади. Бор айбни уларга оғдириб, ўзларини панага олишади. Ёки турли нашрларда жисмоний ва руҳий жиҳатдан она бўлишга ҳали тўлиқ тайёр бўлмаган қизларнинг фарзандли бўлгани ҳақида хабарлар чиқиши одатга айланиб қоляпти. “Фалон ҳудудда мактаб ўқувчиси она бўлди”, «Фалон мактабнинг 8-синф ўқувчиси чақалоғини ахлатхонадан топишди», деган «жимжимадор» сарлавхалар билан ижтимоий тармоқларда хабарлар айланаётгани жамоатчиликка эълон қилинмоқда. Хўш, нима учун қизларимиз бир-икки кунлик орзу ҳавасни деб, ўз номусини ҳимоя қила олмаяпти? Ахир номус кўчада со-тилаётган матоҳмидики, уни истаган одам олаверса. Қиз боланинг ҳаёси, номуси қайта тикланмайдиган даражада нозик, муқаддас эканини ҳамма билишади-ку!

Қиз боланинг тарбиясини қайси вақтдан бошлаш керак?

Аслида бола тарбияси унга она танлаш чоғидан бошланади, деб жавоб берган экан, савол беришганида.

– Дарҳақиқат, Олмалиқ шаҳрида тунги барларда юрган қизлар бизни кўп қийнайди, – дейди шаҳар ИИБ ХПБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори майор Гулноза Сабриева. – Бунда асосий муаммо онада. Кечаси қизи чиқиб кетса, ота-она қандай қилиб билмаслиги мумкин. Яқинда 16 ёш қизнинг ҳомиладорлиги аниқланди. У 15 ёшда шу йўлга кирган, она билмадим, – дейди елка қисиб. Бу жавобми? Нима учун қизини тарбияси билан шугулланиб, дилдан суҳбатлашмайди. Мактабни айблаймиз, маҳалла деймиз. Қизи кўчада тинч юрган эдику, дея фикр қиламиз. Ҳамма нарса оилада, уйда юз бермоқда. Яқинда шаҳримизнинг мактабларидан бирида 7-синф ўқувчиси ҳомиладор бўлиб қолганлиги тўғрисида “гап-сўз” тарқалди. Асл илдири, келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда, жуда хунук ҳолат кузатилди. Қиз сал мазаси қочса, ётиб олиб, онасига у йигитни қақришини, кўргиси келаётганлигини айтади. Она ҳам зумда қақиради. Ёки мактабга кўнғироқ қилиб ҳам, қизини истагини бажаради. Ёки юзсизларча, ҳеч бир истиҳоласиз, қизининг ҳоли аён бўлганда, “... қўявер йиғлама, Россияга дадангни олдига кетамиз, сени у ерда ҳеч ким танимайди”, дея юпатишини ҳеч бир қолипга сиғдириш қийин.

ТУЗАТИБ БЎЛМАС ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙГАНМАН

Кунда-кунора ИИБга телефон қилиб, қизини топиб беришни илтимос қилган она ёш қизини тартибга қақира олмаяпти. Ичарқан, чечарқан, уйдан чиқиб кетиб, бир ҳафта, ўн кунлаб йўқ бўлиб кетаркан. “Илтимос, шу қизимни қаматиб юборсаларинг ҳам майли”, дея ёлворади. 10-синф ўқувчиси Қўқон шаҳридаги махсус мактаб-интернатига жойлаштирилди.

«Уйимиз рўпарасида тўйхона бор. «Ёр-ёр» садолари эшитилиб туради, – дейди биз билан суҳбатда қиз. Ҳар гал никоҳ тўйи бошланганда деразадан мўралаб, бахтли келин-куёвларни кузатаман. Беихтиёр кўзларимга алам ёшлари куйилади... Ичимда туғён ураётган туйғулларнинг ҳавасини ёки ҳасадлигини англолмайман. Билганим шуки, улар менга азоб беради... Чунки, шу бахтли келинчақлар қаторида мен ҳам бўламанмикин? дея кўп ўйлайман. Менга ҳам оппоқ келинлик либоси на-сиз қилармикин? Афсуски, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганимни биламан. Вақтни ортага қайтариб бўлмаганидек, йўқотган номусимни, ота-онанинг тўкилган обрў-эътиборини ҳам тиклолмайман... На бирор дугонам билан, на

қўрқандим”. Эл-юрт олдида шарманда бўлишдан қўрққан она қизалоғини осонгина эркакларга топшираётганда нега ўзидан, қизидан уялмайди? Қизининг номуси туфайли берилган пулни қандай еб ичди, ўша кун қандай ухлади? Ҳозирда қиз ночор аҳволда. Унинг келажаги қай аҳволда бўлади? Бунга қадар ўзини ўлдиришга ҳам бир неча бор ҳаракат қилган. Уйлашга ҳам қўрқасан киши.

ЎГАЙ ОТАГА ИШОНЧ БОРМИ, ФАРЗАНДИНГ ҚИЗ БЎЛСА

Биз билган, ўша мудҳиш қотиллик. Нозима (исм шарифи ўзгартирилган) онаси турмушга (ўзидан 10 ёш кичик) чиққанидан сўнг, муттасил ўгай отаси томонидан номусига тегиб келинган. Ҳеч нарсдан хабари йўқ она, ҳар кун савдо-дан эрта кетиб, кеч қайтади. Унга бошқа азоб бермаслигини, бу ҳақда онасига ет-

– Пул топиш учун энди қизларини хорижга, йирик шаҳарларга юбориб, ишлаб келишга мажбурлаётган ота-оналар кўпайиб кетаяпти, – дейди анча йиллардан буён маҳалла раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаётган Гулноза Субанова. “Пул топса бўлди. Уйда ўтиргандан кўра, сепига пул йиғиб келсин”, дейди баъзилар. Энди ўйлаб кўринг, қишлоқда унча мунча ўзини билган оила энди бу қизни келин қилмайди. Шу сабабли шаҳарда ишлаб юрган қишлоқ қизларининг аксарияти турмушга чиқмаган.

“ДАВОМАТ”, “ЎСМИР”, “ТИГ”

Шаҳар ички ишлар бўлими, Ёшлар иттифоқи, восяга етмаганлар билан ишлаш комиссияси томонидан ўқувчиларнинг дарс вақтида бозор, интернет клублари ва бошқа кўнғилочар жойларда бўлишининг олдини олиш мақсадида, “Давомат”, “Ўсмир”, “Тиг” тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинаёпти. Ўтган йилда восяга етмаганлар, айниқса, қизлар ўртасида жиноятчилик, хуқуқбузарликларни олдини олишга йўналтирилган кўплаб профилактик тадбирлар олиб борилди. Ота-онасининг масъулиятсизлиги туфайли қаровсиз қолган 4 нафар қизларда ҳомиладорлик аниқланган бўлса, 5 нафари мажбурий тартибда ёпиқ мактаб-интернатларига жойлаштирилди. Бундан ташқари, ўз жонига қасд қилишга уринган қизлар билан ишлашда ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Ҳаттоки, охириги йилларда қизларимиз томонидан жиноятлар содир этилаётгани ачинарлидир. Худди йигитларимиздек, қизларимизда ҳам эндиликда, оммавий муштлашувлар кузатилмоқда.

Ўша чиркин жамиятдан, муҳитдан олиб чиқиб кетадиган чора-тадбир йўқ – Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида фарзандларига намуна бўлиши керак, – дейди шаҳар бош отинойиси Умида Мадиерова. Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қилади. Ёшлиқдан қизларни озодликка, ширинсуханликка, ўзидан катталарни доимо ҳурмат қилиб боришга ундаш ва ўзгартириш лозим. Қиз бола номига бир доғ тушса, бу доғни ҳеч нарса билан ўчириб бўлмайди.


Шундай экан, маҳаллаларда, ташилотларда, ўқув муассасарида ҳисобот учун ўтаётган тадбирларга чек қўйиб, мутахассисларни жалб қилиб, жойларда манзилли, аниқ тарғибот юмушларини адо этиш лозим. Қизларимизни ўша чиркин ҳаётдан олиб чиқишнинг иложи бўлмаяпти. Зўравонликка учраган шахсларни реабилитация қилиш марказларимиз ишламаяпти. Инсоннинг руҳияти билан заргарона ишлайдиган ва ҳаётга қайтара оладиган психологлар керак бизга.

ҚИЗЛАРГА АЙТАР СЎЗИМ БОР

Гул қизлар, остона ҳатлаб кўчага чиқаётганингизда эгингиздаги либосингизу қошу кўзингизга эътибор бериш билан бирга елкангизда ўзингизнинг, оилангизнинг, ота-онангизнинг обрў-эътиборини, номусини ҳам олиб чиқиб кетаётганингизни унутманг! Алдамчи ҳиссиётларга берилиб, гулдек умрингизни хазон қилманг! Сиз шахзодаларга муносибсиз! Бировнинг бахтига шерик бўлиш асло ярашмайди сизга! Чиройли келин бўлиб, «Ёр-ёр» садолари остида ота-онангизнинг дуосини олиб, ота уйингизни тарк этишингиз бахтли келажагингиз қалитидир.

Марғуба СУЛТОНОВА.

oilavajamiyat@mail.ru



қариндошларим билан дилдан гаплаша оламан, яқинларим ҳаммаси кўчадан топган “акаларим”дир. Ҳозир уйдаман, ҳеч бир қизни у ерга (ёпиқ турдаги мактаб-интернати) боришини истамасдим. Ўта кўпол муносабатда бўлаётган, жанжаллашаётган қизларнинг қиёфаси ҳали ҳам кўз олдимдан кетмайди. Айниқса, бир-бирига нисбатан қилинган жинсий зўровонликларидан кўрқувим аримаяпти.

Ижтимоий тармоқларда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлган Андижонда бир онанинг 14 ёшли қизини 3 забардаст эркакка бир кечага арзимаган пулга сотгани ҳақидаги хабар. Аёл мактабдаги директор билан келишиб, ҳомиладор бўлиб қолган қизнинг 7 ойлик боласини аширинча туширади. Ҳамма сир ошкор бўлгач эса онанинг мана бу гали энсангизни қотиради: “Эл-юрт олдида шарманда бўлишдан

қизишни айтиб зорланганда эса, калтак остида қолган. Шундай кунларнинг бирида, “ота” жаҳли чиқиб кетади ва бўйнига чанг солади. Қаттиқроқ сиққаниданми, қиз ётган жойида қимирламай қолади. Нима қилишини билмаган ота уни гиламга ўраб, гилам ювиш баҳонасида уйдан олиб чиқиб кетади. Тўғри бориб, канал бўйида ҳеч бир ҳадиксиз, сувга ташлаб юборади.

– Ҳа, ўгай оталар ҳақида салбий фикрлар доим бўлган, улар томонидан хунук ҳолатларнинг содир этилганлигига ҳам кўп гувоҳ бўлганмиз, – дейди Г.Сабриева. – Шаҳримизда номуси топталган қизларнинг 60-70 фоизи ўгай оталар томонидан зўрланган. Шу боис аввало, оналар ўзларини тарбия қилсинлар, қиз фарзандларига кўпроқ эътибор қаратсинлар, деган бўлар эдим.

UY XIZMATKORI

Кечаги камлик қилдими, Назир ҳар галгидек, тонгдан она хотинига захрини сочи. Аслида тилу-дилига тез-тез йиғилиб турадиган захрининг бугун ҳам тўпланиб, яна тўп-тўп бўлиб сочилишига сабаб бор. Назир тадбиркор, бир неча йилдан бери пойтахтдан, баъзан эса чет элдан товар келтириб, марказий бозордаги бир неча сотувчиларга кўтарасига тарқатади. Ҳар гал товарга кетаётиб, улардан сотилган молларининг пулини йиғиб олади. Анчадан бери пойтахтда Темур деган тадбиркор билан ҳамкорлик қилади – бошқаларга нисбатан арзонроқ бергани учун шу йигитдан товар олиб туради. Кеча ҳам Темур билан кўнғироқлашиб, бир қанча турдаги кийим-кечаклар олиб келишга келишиб олишган. Аммо тарқатган молларининг пуллари у кутгандан икки баробар кам йиғилибди. Бу дегани, Назир Темур чет элдан келтирган сара моллардан ўзи кутганча олиб кела олмайди.

Хотини эса, эрим битта пайпоғини тополмаганига шунчалик жигибйронми, деб хайрон, аслида хайрон бўлмасам ҳам бўлади: эри ҳаммиса арзизмаган сабаб туфайли тўполон кўтариб, уни бир ишга ярамайдиган, уйда ўтирган бекорчи эканини таъкидлай-таъкидлай чиқиб кетади. Аёлининг эса ҳаммиса кўнгли оғриб қолади, нима қилсин, кўз очиб кўрган эри, чумолидай тиним билмай, пул топиб келади, рўзгорни тўлатуқис қилиб қўйган, егани-ю кийгани олдида. Аммо аёл ҳам эрта-ю кеч тиним билмайди, рўзгор, ундан ташқари, тинимсиз эрининг меҳмонларини кутади. Эри меҳмондўст, қўли очиқ одам, аммо хотинининг қилгани ҳеч кўринмайди. Бугун ҳам шундай бўлди.

Пайпоғимни жойига қўйиб қўйсанг, ўласанми?

– Жойида-ку, дадаси, яхшироқ қаранг, кичик ўғлини боғчага тайёрлаётган хотини жавонга имо қилди.

– Қани, жойидалиги? Қиладиган ишининг тайини йўқ, яна бидирлаб гап қайтарасан!

Хотини эрининг баттар тутатиб кетишидан чўчиб, югуриб келди ва жавонни очиб, эрининг тахланиб турган ички кийимлари орасидан пайпоғини олиб берди. Аммо, эри шу билан ҳам босилмади.

– Юзага қўйиш керак эди, нодон! Бир иш қўлингдан келмайди! Эртадан-кечга бекор ўтирасан, шу кийимларимни ҳам тайин қилиб беролмайсан.

– Нега ундай дейсиз, дадаси?... Сизниям, болаларниям... – чўчибгина гап бошлаган хотинининг “хизматларингни қиламан-ку”, деган сўзлари оғзида қолди кетди.

– Нега ундай дейман? Малика-

дай таъминлаб қўйганимдан кейин қиласан-да, хизматимни! Мен билан савдога бориб келадиган аёллар бор: Кўчанинги ишиниям, уйникиниям қотириб қўйибди! Сен уйда ўтириб бир нарсани эпламайсан. Рўзгор билан болага қарашдан бошқа нима ишинг бор ўзи? Яна менга гап қайтарасан!

Хотини бошқа “гап қайтармади”. Билади, битта гапирса, ўнта жавоб олади. Ундан ташқари, узоқ йўлга отланаётган эрининг ошиқча асабийлашини истамади.

– Майли, дадажониси, билмабман. Узр. Асабийлашманг, майлими, – аёл эрининг кийимидида чангни қоққан бўлди, баҳонада сал елкасини силаб қўйди.

Назир сал ҳовридан тушгандай бўлди-ю аммо шунда ҳам ниманидир мингирлаб, норози қиёфада чиқиб кетди.

Олдиндан кўнғироқлашиб, Назир Темур билан вокзалда кўришди.

Темурнинг машинасига ўтириб йўл олишди. Кетаётиб, Темур гул бозори ёнида тўхтади ва гулдаста кўтариб чиқди.

– Кимнингдир туғилган куними? – сўради Назир.

– Йўқ, кеча сафардан келдим. Ҳар гал келганимда, хотинимга гул олиб кираман. Кеча кеч қайтиб, ололмаганим.

– Ҳар гал келганимизда-я?
– Ҳа. Аслида, ҳар куни гул олиб борсам ҳам арзийди уларга. Улар бизга борини бағишлайди. Биз уларга битта гул берсам нима бўпти!
Назир индамади. Эрталабки кўполлигини эслади. Ҳа, унинг хотини одмигина, гул олиб борганимга тушунмасам керак.
“Темурнинг хотини бирорта нозик ишда ишлайди, диди нозик бўлса керак. Эҳтимол актриса ёки пианиночими, шунга ўхшаган... Ё уйда бирор тадбиркорлики юри-тармикан?” – Назирни ҳар куни гул келтириб беришга арзийдиган хотинининг кимлиги қизиқтириб қолди. Борсам, кўраман-ку, ўйлади у.
Уларни ҳашамдор уйнинг дарвозаси олдида одмигина, истараси иссиқ жувон кутиб олди.
– Яхшимисиз, кеннойи? – сўрашди Назир.
– Бу кеннойингиз эмас, уй ишларида кўмаклашиб турадилар.
“Уй ишда кўмаклашадиган одам ёллаган бўлса, демак янга ҳақиқатан ҳам бирор тадбиркорлик билан шуғулланса керак”, — хаёлидан ўтди Назирнинг ва гул эгасини кўришга орзиқа бошлади.
Бояги жувон уларни меҳмонхонага бошлади. Дастурхонга овқат тортидди ҳамки, гул эгаси – бекадан дарак йўқ эди.

– Ҳар гал келганимизда-я?

– Ҳа. Аслида, ҳар куни гул олиб борсам ҳам арзийди уларга. Улар бизга борини бағишлайди. Биз уларга битта гул берсам нима бўпти!

Назир индамади. Эрталабки кўполлигини эслади. Ҳа, унинг хотини одмигина, гул олиб борганимга тушунмасам керак.

“Темурнинг хотини бирорта нозик ишда ишлайди, диди нозик бўлса керак. Эҳтимол актриса ёки пианиночими, шунга ўхшаган... Ё уйда бирор тадбиркорлики юри-тармикан?” – Назирни ҳар куни гул келтириб беришга арзийдиган хотинининг кимлиги қизиқтириб қолди. Борсам, кўраман-ку, ўйлади у.

Уларни ҳашамдор уйнинг дарвозаси олдида одмигина, истараси иссиқ жувон кутиб олди.

– Яхшимисиз, кеннойи? – сўрашди Назир.

– Бу кеннойингиз эмас, уй ишларида кўмаклашиб турадилар.

“Уй ишда кўмаклашадиган одам ёллаган бўлса, демак янга ҳақиқатан ҳам бирор тадбиркорлик билан шуғулланса керак”, — хаёлидан ўтди Назирнинг ва гул эгасини кўришга орзиқа бошлади.

Бояги жувон уларни меҳмонхонага бошлади. Дастурхонга овқат тортидди ҳамки, гул эгаси – бекадан дарак йўқ эди.

– Кеннойимнинг қўллари ширин экан, – деди Назир овқатдан тотиб.

– Йўқ, буни ошпазимиз пиширган. Назир дим қотди. Овқат пиширмасам, рўзгор қилмасам, ким экан, бу бека?

– Ассалому алайкум. – эшик очилиб, етти-саккиз ёшлар чамаси болани етаклаганча, хушбичим жувон кирди. – Қани, Анваржон, меҳмонга салом беринг-чи.

– Ассалому-алайкум! – қўлини кўксига қўйиб салом берди болакай.

– Воалайкум ассалом. Ўқшлар яхши бўлдим, ўғлим?

– Яхши, дада. Бугун беш олдим!

– Баракалла, ўғлим. Энди бориб, кийимингизни алмаштиринг.

Жувон болани етаклаб, чиқиб кетди. – Булар кеннойимми? – сўради Анвар бетоқатланиб.

– Йўқ, бу – энагамиз. Кеннойингиз дўконга чиққан экан. Ҳозир келиб қолади.

– Кеннойим нима иш қиладилар?

– Кеннойингиз бирор ишда иш-лашига ҳожат йўқ. У мен учун энг катта ишни қилиб қўйган – қаранг, шундай ширин болаларни туғиб бериб қўйибди. Кетаётганимда ширин табассум билан кузатади. Келганимда чиройли кийиниб, очиқ чеҳра билан кутиб олади. Уни кўрсам, дилим ёришиб кетади. Бундан ортиқ нима иш қилиб берсин?!

Ҳақиқатан ҳам бир оз ўтиб, чиройли кийинган, ясанган бека кириб келди. Хонага хушбўй атир ҳиди таралди. Бека эри келтирган гулдастани олиб, миннатдорчилик билдирди. Назир эса беканинги оппоқ қўллари, зеб берилган тирноқларини умрида ёғупа суртмаган хотинининг қўллари билан солиштирганча, хаёли бугун эрталаб, сен ҳеч иш қилмайсан, такасалтанган, дея қойиб келган хотинига кетди...

Назир товарларини машина ёллаб жўнатди-да, ўзи пойтахтдан қайтиб, туман марказидаги гул дўконига югурди.

– Менинг... уй хизматкоримга битта чиройли гулдаста беринг... Йўқ, яхшиси бир даста атиргул беринг...

– Марҳамат, – гул сотувчи унга атиргуллар саралаб берди.

– Энди, ошпазимга ҳам шунча гул беринг!

– Яна кимга, – сўради сотувчи “ошпаз”га ҳам гул саралаб бераркан.

– Болаларимнинг энагасига...

Назирнинг қучоғи гулга тўлди.

– Хотинингизгачи?

– Унга ҳам... энг чиройлиларидан беринг...

Назирга эшик очган хотини хайрон бўлиб қолди. Назир эшик олдида бир кучоқ гул билан унга жилмайиб қараб турарди. Аёл ҳеч нарсани англаб улгурмай, унинг пойига атиргуллар тўшалди...

– Хотин... булар сенга...

Шахло АХРОРОВА.

ANTIQA MUXLIS

Яқинда тахририятимизга бир аёл газета сўраб кириб қолса денг. Ҳаммамиз худди ноёб ҳодисага гувоҳ бўлгандек ҳайратда қолдик. “Мана, дунёда ҳақиқат бор экан-ку, битта-яримта бўлса ҳам газета ўқиб турадиган кишилар топиларкан”, дея тоза хурсанд бўлдик. Ахир кимгадир кераклигини ҳис қилиш, биров меҳнатини қадрлаши, эътибор

қаратиши ёқимли-да. Аммо бу хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади.

– Сизга қайси сони керак?

– Қайси сони дейсизми?... – саволимиз “ноёб газетхонимиз”ни аввал бироз эсанкиратиб қўйди. Кейин эса у қўлини силбиб шундай жавоб қилди:

– Э, менга фарқи йўқ. Қайси сонидан бўлса ҳам майли, фақат кўпроқ керак-да.

– Қойилмиз. Аёллар бўш вақтини интернет-магазинлар узундан-узун аллақандай мантисиз сериаллар билан банд қилиб қўйган бир пайтда, мутолаа учун, газета ўқиш учун фурсат топганимиз бизни жуда қувонтирди.

Аёл сохта табассум қилди.

– Ҳа, ўқиб тураман, урашдан аввал, ҳаммасига бир-бир кўз югуртириб чиқаман.

Биз аввалида унинг гапларига тушунмадик, кейин эса кўнглимизга шубҳа оралади.

– Опа, қаерда ишлайсиз, мабодо

бозорда писта сотмайсизми?

– Вой, ҳақорат қилманг, мен бозорда писта сотмайман, доривор гиёҳлар савдоси билан шуғулланаман.

Шунда ҳаммамиз ялт этиб қотиба қизнинг столи устида турган газета бўлагига ўроғлик “чой” га қарадик. Икки кун аввал, уни қотибамизга бир таниши “Соғлик учун жуда фойдали гиёҳлар. Дамламасини ичиб юриш одамни доим тетик тутайди”, деб келтириб берган эди...

Ирода ОРИПОВА.

QUM OSTIDA QOLGAN MUNAVVAT

Чингиз Айтматов қаламига мансуб машхур “Асрни қаритган кун” асари ҳақида гап кетганда кўпчилик Найман она ҳамда унинг манкурт ўғли Жўломоннинг тақдирига бағишланган ҳикоя таъсиридан қалби жунбишга келганини сўзлайди. Ўқувчи сифатида мен учун эътиборимни қаратишга лойиқ топган воқеа бу асар қаҳрамони Эдигей билан Зарифа ўртасидаги севги ҳикояси билан боғлиқ воқеалар бўлди.

Қизиқ, биз инсонга севги бир марта берилади деймиз. Йўқ, бу ҳужми ёзувчи ўзгартиришга ҳаракат қилиб кўради. Аммо ёзувчининг оила ва никоҳга бўлган собит қарашлари Эдигейнинг қалбидagi ёниқ туйғуларни чўл қумлари остига беркитишга мажбур қилади. Бир пайтлар Эдигей аёли Уккуболани ҳам Зарифадан кучлироқ севса севганки кам севмаган. Аммо севги эскириши мумкинми?... деган савол тугилиши табиий китобхонда. Эдигей бўронли Зарифани севганми ёки унга бўлган ачиниш ҳисси бора-бора муҳаббатга айланганми? Бу ҳақиқатан жумбоқ. Аммо бу жумбоқни Эдигейни ўзи ечади. Яъни унинг Зарифанинг ўйлилари Эрмак ва Довулга бўлган меҳридан ҳам севгиси соф эканини сезиш мумкин. Фақат бир аёлни чинакам севган эркекка унинг болаларини ҳам яхши кўра олади.

Демак, Эдигейнинг Зарифага бўлган севгиси айтишга, ёзишга ва куюнишга, изтироб чекишга арзирли. Эдигей Зарифанинг эри Абутолибни ҳам яхши кўради, хурмат қилади, унга чин дилдан ёрдам бергиси келади. Бу уринишлар-



нинг барчаси Зарифага бўлган унинг талпинишидан далолат. Бу севгининг ечимига эса кейинроқ тўхталамиз.

Асрни бойитган ва инсонни табиат билан янада яқинроқ мулоқотга ундаган нарсаси бу Уккубола ҳомилдорлик вақтида олтин Мекре балиғига бошқоронгу бўлишида. У шу балиқни кўришни, қўлига олиб уни бир марта бўлса ҳам сийпалашни жуда-жуда

“ Эдигейни севги изтиробига берилиб Уккуболани ташлаб кетиш, оиласини пароканда қилиш ҳақидаги ўйларидан унинг Қоранор исмли туяси қўтқариб қолади. Ёдингизда бўлса Казангап Эдигейга Қоранорни бурнига занжир ўтказиб нўхталашни маслаҳат беради. Аммо Эдигей уни озод яшашини истайди. Йиллар ўтиб Қоранор Эдигейга бу яхшилигини яхшилик билан қайтаради. ”

истайди. Эдигей аёлининг хоҳишини бажариш учун денгизга чиқиб минг машаққат билан олтин мекре балиғини тутиб келади.

“...Уккубола болани кўтаргандек балиқни икки қўллаб кўтариб кўксига босди.

–Сўлқиллаганини-ей!- дея хитоб қилди у балиқнинг барқ уриб турган ички кучини сезган ҳолда.

–Оғирлигини қара-я! Шундоққина денгизнинг ҳиди келиб турибди. Гўзаллигини айтмайсанми! Ма, Эдигей, миннатдорман, жуда миннатдорман. Муродимга етдим. Уни тезроқ сувга қўйиб юбор!...”


Энди эса Эдигейни Зарифага оила билан бир аёлга бўлган севгиси ҳақида сўзласак. Ёзувчи асарда Эдигейни севгиси билан курашишга ва уни енгитишни ўзига қўйиб беради. Инсон севгисини енга оладими? Унга қарши кураша оладими? деган савол тугилиши табиий китобхонда. Йўқ, у бунга ожиз. Инсонни фатобат бу туйғудан табиат қайтариши мумкинлигига воқеалар ривожори орқали ғувоҳ бўласиз. Агар инсон инсонга ёрдам бера олганда Эдигей дўсти ва қўшнис Казангапни Зарифадан воз кечиш ҳақидаги маслаҳатларига амал қилган бўларди. Зарифа ҳам Эдигейни севгисига бефарқ бўлмайди.

Унинг кўнглида ҳам Эдигейга нисбатан муҳаббат ўйғонади. Аммо аёл бу туйғунини ўз ҳаётидаги қийинчиликларга алмашади. Яъни болаларини олиб овулдан узоқ-узоқларга кетиб қолади. Эдигей унинг ортидан бормоқчи, кўнглини Зарифага очмоқчи бўлади. Аммо...

Эдигейни севги изтиробига берилиб Уккуболани ташлаб кетиш, оиласини пароканда қилиш ҳақидаги ўйларидан унинг Қоранор исмли туяси қўтқариб қолади. Ёдингизда бўлса Казангап Эдигейга Қоранорни бурнига занжир ўтказиб нўхталашни маслаҳат беради. Аммо Эдигей уни озод яшашини истайди. Йиллар ўтиб Қоранор Эдигейга бу яхшилигини яхшилик билан қайтаради. Яъни Зарифани севиб, боши айланиб юрган Эдигейни бу азобдан қутулишига ёрдам беради. Эдигей қочиб кетган туясини ушлаб олиб уни қамчиси билан роса савалайди. Қоранор Эдигейни лол қолдириб уни даштда роса судраб айлантиради. Қоранор Эдигейни қўлидан қочиб кетади. Ва бир неча кундан сўнг илиқчи юриб, ховуридан тушгач, шалдираган, қоқ суюк бир аҳволда Эдигейнинг ёнига қайтиб келади. Демак, бу Эдигейнинг Уккубола ва болалари бағрига қайтишига ишора эди.


Нигора РАҲМОНОВА.

Nima uchun tinglashni bilmaysiz?



Сухбатдошни тинглаш у талаффуз этаётган сўзларга қўлоқ солишнинг ўзигина эмас. Акс ҳолда, сухбат моҳиятини қўлдан бой берасиз. Етакчи учун атрофдагиларни тинглай билиш айниқас мўҳим – ана шунда у эътиборли ва тушунадиган одам сифатида таассурот уйғота олади.

Бироқ яхши тингловчи бўлиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди ва бунинг олти сабаби мавжуд.



СИЗ ЎЗИНГИЗ ГАПИРИШНИ ИСТАЙСИЗ

Кўпчилик ёқимли таассурот уйғотишни хоҳлайди ва бунга эришиш усулларидан бири – ўз билимлари билан ўртоқлашиш. Бирон нимани ҳикоя қилиш истаги сухбатдошни тинглашда халақит қилиши мумкин. Чунки сухбатдошининг гапирётган вақтда унга қандай жавоб қайтариши ҳақида ўйлайсиз.

Ҳақиқатан ҳам тинглаётган бўлсангиз, саволларга жавобни олдиндан эмас, дарҳол ўйлаб топишингиз мумкин.

СУХБАТДОШИНГИЗГА БАҲО БЕРАСИЗ

Нима бўлганда ҳам биз атрофдагиларнинг ҳаракат ҳамда сўзларини мўҳокама қиламиз. Сухбатдошимизнинг сўзларидан норози бўлганимизда уни тингламай қўямиз. «Аҳмоқ одамга нима учун қўлоқ солишим керак?» дея ўйлайсиз ўзингиз билмаган ҳолда.

Бу нотўғри ёндашув. Яхшиси сухбатдошининг ўй ва ҳаракатларини яхшилаб ўйлаб, кейин баҳолаган маъқул. Дастлаб кишига қўлоқ солинг, кейин у ҳақида хулосага келинг. Ахир бирор нимани кўздан қочирган бўлишингиз мумкин-ку.

Фикрларингиз сизга халақит қилади.

Масалан, сухбатдошининг ўзи гапирётган мавзуси борасида тажрибаси йўқлигини билсангиз, унга қўлоқ солгингиз келмайди. Бу каби нотўғри фикрлардан халос бўлинг ва сухбат бериши мумкин бўлган ижобий натижаларга диққатингизни қаратинг.


БАРИГА ЭГО САБАБЧИ



Улкан эго – кўллаб етакчиларнинг муаммоси. У сизга худди «Мен ақлли бўлсам, бу одамни тинглашим керакмикин?» деяётганга ўхшайди. У сизга ақл ва ижтимоий мавқеи жиҳатидан сиздан паст бўлган кишиларни тинглашга халақит қилади.

БИР НЕЧА ИШНИ БИР ВАҚТДА БАЖАРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАСИЗ

Миямиз бир вақтда бир неча маълумот, манбаларини қабул қила олмайди, шунинг учун кўп вазифалилик тинглаш қобилиятингизни «ўчириб қўяди». Агар бирор кишининг сўзларига қўлоқ солмоқчи бўлсангиз, барча ишларни четга суриб, диққатингизни бир ерга жамланг.




ОДАМЛАРДАН ЯШИРИНАСИЗ

Бирор кишининг фикрига қарши

бўлган вақтимизда бизга етказилаётган маълумотларга диққатни жамлаш мушкул. Чунки фақат салбий нарсалар ҳақида ўйлаймиз. Шунинг учун ўша одамга қўлоқ солмайсиз, у айтаётган нарсалар сизга маълумдек туюлади.

«Мен у билан сухбатлашганман, у доим шунақа фикрда бўлган» дея ўйлайсиз. Бироқ сухбатдошининг мулоқот мавзусига нисбатан ўз муносабатини ўзгартириши мумкин. Бироқ сиз буни била олмайсиз, чунки тинглашни рад этдингиз.



РАҒБАТ ТОПИНГ

Тинглашингизга таъсир қилувчи ана шу омилларни аниқлашингиз биланок улар билан ишлашни ўрганасиз. «Ақл бовар қилмас натижалар учун иштиёқ уйғотадиган етакчилик кўникмалари» китобининг муаллифи Фред Халстед куйидагиларни маслаҳат сифатида беради:

«Сухбатдошингизни нима учун тинглашингиз кераклигини аниқланг. Мен учун мўҳим сабаблардан бири барча одамларни хурмат қилишни исташимда – улар айтаётган гапларни тинглаганингизда хурмат кўрсатаётган бўласиз».

Яхши тингловчига айланиш учун бир неча сабаблар куйидагилар: ана шу йўл билан сухбатдошининг миннатдорлигига сазовор бўласиз, бирор янги нарсани ўрганасиз, диққатни жамлаш кўникмасини яхшилайсиз ва ишонч қозонасиз.

«Тинглаш мушкул, бу кўникмани ўзлаштириш учун ҳақиқатан ҳам унинг

устиди иш олиб боришни исташингиз позим, – дея хисоблайди Халстед. – Бироқ қанча кўп машқ қилсангиз, шунча осон бўлади. Бирор кишини тинглаётганингизда сиз у кишига нисбатан хурмат кўрсатасиз – одамлар буни сезишади ва қадрлашади. Кейин эса сизга ҳам айнан шундай жавоб қайтаришади. Шу йўл билан муносабатлар учун замин тайёрлайсиз, ҳатто бу муносабатлар қисқа муддатли бўлса ҳам».

Айрим ҳолларда қизларда турмушга чиқиш олдиндан кўркув, ваҳима, хавотирлиниш бўлади. Чунки қариндоши, дугонаси, қўшнис ҳаётида турли воқеалар содир бўлган, баъзилари зулм кўрган, айримлари ажрашган. Лекин...

Ҳамма инсон алоҳида индивид. Ҳаммани ҳаёти хар хил. Ҳамма ҳаёти учун ўзи жавобгар. Бошқаларни ҳаёти сизда такрорланмайди, агар сиз ўшалардан избрат олиб яшасангиз. Ҳамма ўз ҳаётини фикрлари, муносабатлари, қадриятлари билан бошқаради. Шунинг учун ҳам хозирдан ижобий (позитив) фикрланг, амаллар ниятларга боғлиқдир, яхши ният қилинг, фикр моддийлашади, шунинг учун кўркув билан эмас, орзу-умид, мақсадлар билан оила остонасига қадам қўйинг.

Кўркувнинг олдинга келади, деб бекорга айтишмаган, чиройли ниятларни бир дафтар тутиб ёзиб боринг, 10 йилдан кейин шу дафтарингизни ўқийсиз, ҳаммаси амалга ошган бўлади, ишонинг.

Дилдора РАҲИМОВА,
психолог

YAXSHILIK NECH QACHON ESDAN CHIQMAYDI

Бу воқеага неча йиллар бўлган бўлса-да, ҳозиргача ўша одамни излайман. Қилган беминнат яхшилиги учун миннатдорчилик билдириб, раҳмат айтгим келади.

Талабаларнинг илк йиллари эди. Хали пойтахт кўчаларини яхши билмасдим. Талабалар турар жойи ва ўқиш биномизгача ўртача таксида уч минг сўмлик йўл эди. Ўша куни негадир ишларим кўпайиб дарсга кеч қолаётганим учун такси тўхтатишга мажбур бўлдим. Ёнимга ёши чамаси эллика яқинлашиб қолган, бошқараётган машинаси андак эскироқ бир амаки келиб тўхтади. Шошганимдан борар манзилимни тушунтирдим-у нархини ҳам айтмасдан машинага ўтирдим. Амаки тинмай соатга қараётганимдан сезибми, тезроқ ҳайдашга ҳаракат қиларди. Мен бўлса, қолдай келадиган сумкамдан ҳамёнимни излаш билан овора эдим. Манзилга етиб келгач:

– Амаки, уч минг сўм берсам бўладими? – деб сўрадим шошилиб.

– Икки минг берсангиз ҳам рози бўлиб беринг, қизим, – дедилар машина пештоқидоги ойнадан кўз югуртириб. Менинг эса ҳаёлим паршон эди. Талабага таксиларнинг минг сўм кам айтгани ҳам байрамда, хурсандлигимдан икки минг сўм узатдим-у раҳмат айтиб факультетим томон ошиқдим. Дарсдан сўнг амалиёт ўташ учун матбуотчилар уйига борардим. Шубҳасиз, у ерга ҳужжатсиз киритмасди. Сумкамни қанча изламайни паспортимни тополмадим. Талабалар уйига келиб ҳамма жойни изладим, барибир топиладими. Қаерга кўйганимни, кимга берганимни эслолмасдим. Тартибсиз эканлигимдан роса йиғладим, хонадош қизларимиз ҳам дардимга шерик бўлишар, бири қайта паспорт тўғирлашинин жарима пули ҳақида гапирса, яна бири қўлаб ҳужжатлар кетишини айтарди. Хулласи, ўша кеча ақлимни бир жойга



кўйиб излашга тушдим. Барибир топилмагач, кўшни хонадош қизлар фолбинга боришни ҳам тавсия қилди. Негадир фолбинга ҳеч ишончим йўқ эди. Нима бўлса ҳам уйдагиларга айтмай туришга ҳаракат қилдим. Орадан икки кун ўтмай кўнгироқ қилган онам бир кулимсираб, бир ғазабланиб гапирарди:

– Тошкентда нимангни йўқотиб қўйдинг, қизим? – дедилар ҳазиломуз оҳангда.

– Аниқ йўқолганини билмайман. Аммо тез орада топаман, она дейман довдираб.

– Қизим, таксида йўқотиб қўйган экансан. Ўша киши бир қоғозга хат ёзиб, сенинг турар манзилинг бўйича туманимиз ИИБ биносига Тошкентдан почта қилиб жўнатибди.

– Ҳозиргина паспортингни маҳалла поспони бериб кетди. Ўзингни соғингандим.

Ҳеч бўлмаса ҳужжатинг келибди-да, дедилар кулимсираб. “Қачон?”, “қандай борди сизларга?”, “ким олиб борди?” дея берган тўхтовсиз саволларимга онам бир бошидан жавоб бера бошлади.

– Қизим, таксида йўқотиб қўйган экансан. Ўша киши бир қоғозга хат ёзиб, сенинг турар манзилинг бўйича туманимиз ИИБ биносига Тошкентдан почта қилиб жўнатибди. Сизга етказиб беришларини тайинлаб ёзибди. Кейин маҳалламиз поспони йиғилишга борса, “сизнинг худудингизда истиқомат қилар экан, эгасига етказиб

беринг”, деб бериб юборишибди. Шундай қилиб бугун паспортинг кириб келди-да, – деди. Менинг эса ҳайратим янада ошиб борарди.

– Ўша таксичи ким экан? Телефон рақами борми? Суюнчи пули беришимиз керак-ку? – дедим шошганимча.

– Мана сенга хатини ўқиб эшиттираман, – дея онам бир парча қоғозни очишга уринарди.

“Хурматли Жиззах тумани (ҳозирги Шароф Рашидов тумани) ИИБ бўлими. Ушбу паспорт менинг машинада Тошкент шаҳар кўчаларида тушириб қолдирилган. Эгасини танимайман, қайси манзилда тушиб қолганини ҳам эслолмаяман. Илтимос, эгасига етказиб беринглар. Ҳурмат билан, таксичи!”

Макутубни эшитиб қулоқларимга ишонмадим. Ўша пайти бирданига ўқишга шошиб кетаётганимда таксига ўтирганим эсимга тушди. Афууски, амакининг юзини яхши кўрмагандим. Фақат бир савол мени худаям қийнарди. Ахир Тошкентдан Жиззахга почта юбориш энг ками беш минг сўм турадику, дейман ўзимга ўзим. Ахир мен таксичига орнинибгина икки минг сўм бергандим. Ҳеч бўлмаса, рақамини қолдирмаганидан жаҳлим чиқди. Аммо бу каби меҳрибон, саховатпеша инсонлар қилган яхшиликлари ортдан манфаат кутмайдилар.

Баъзида дугоналаримнинг бирор нарсаси йўқолса, топиб олган киши фалон сўм суюнчи пули сўраётганини эшитиб қоламан. Ўша йўқотган нарсаси азизлиги учун пулни қийматини ҳам ҳисобламай бераверишади. Мени эса кўз олдимдан ўша олийжаноб амакининг қилган иши ҳечам кетмайди. Ҳаётда шундай инсонлар бор экан, уларнинг қилган яхшилиги учун сен ҳам бошқаларга меҳр қўлини чўзинг келади. Ҳозир ҳам ўша одамни учратиб қолишни истайман. Раҳмат сизга яхши одам, дегим келади.

Кумуш ҲАМРОЕВА.

KELAJAKKA SAYONAT DARSI

Синфдош... Бу сўзни эшитар эканмиз, кўз ўнгимизда бегубор болалик йилларимиз, ўйинқароқлиги шўхликларимизнинг жонли гувоҳлари қадрдон синфдошларимиз гавдаланади. Инсон улғаяр экан, у йиллар ўтгани сари турли ёшда, турли давралардан таниш, дўст-биродар орттаради, аммо улар орасидан энг дилга яқини синфдошлар бўлиб қолаверади. Шунча йил бир синфда худди бир оиладек яшаган, билим олган яқинларининг ўрни бошқачада барибир...

Ҳозирда талабадан, шукрки, бир уринишда орзуимдаги университет талабаси бўлдим. Курсдошларим билан ахил-иноқми, шундай бўлсада баъзан синфдошларимни жуда соғинаман. Синф раҳбаримиз бизга аҳилликда гап кўпчилиги бот-бот эслатиб тургани учунми синфдошлар бир оиладек иноқ эдик. Синфимизда ҳар соҳадан ҳеч бўлмаса биттадан вакил топса бўларди. Спортчи, рассом, адабиёт ихлосмандлари, созанда... Хуллас синфда истеъдодсиз ўқувчининг ўзи йўқ эди.

7-синф эдик. Маънавият дарси. Синф раҳбаримиз “2020-йил менинг тасаввуримда” мавзусида иншо ёзишни топширдилар. Синфхона сув куйгандек жимжит. Ҳамма астойдил иншо ёзишга киришиб кетган. Ораимизда келажакка бефарқ қарайдигани топиламасди.

АҲМЕДОВ ШАҲЗОД: (ҳозирда Сингапур менежментни ривожлантириш институти 1-босқич талабаси) – “2020 йил... Мен Англиядаман. Инглиз ти-

лидан билимларим етарли. Хусусий компанияда менежерман. Яқинда ота-онамни ҳам бу ерга олиб келсам керак.”

ЙЎЛДОШЕВ МАВЛОНБЕК: (ҳозирда Тошкент давлат фармацевтика инсти-

тути 2-босқич талабаси) – “2020 йил ҳақида ҳозир бир нарсга дейиш қийин. Мен учун муҳими бугун. Астойдил ўқисам ҳаракат қилсам албатта, келажакда Ватанимга керакли фарзанд бўламан. 2020 йилга келиб туманимизда электр таъминотидаги узиллишлар бўлмаслигига, чекка қишлоқларимизга ҳам табиий газ етиб боришига умид қиламан”.

Мавлонбекнинг бу сўзларидан кейин синфда кулги кўтарилди.

– “Азадова тайёрмисиз? – устозимиз менга юзландилар.

– “2020-йил, мен ЎзМУнинг журналистика факультети талабасиман. Яқинда синфдошим Гўзалнинг биринчи дизайнерилик иши. Миллий либослар кўргазмасидан ажойиб репортаж тайёрласам бўлади. Синфдошим Шокир эса Франциядан олий урин махсус гранпи билан қайтди. Ўзиям скрипкани “Бетховен бўлиб” чалади-да! Зафарнинг волейбол бўйича ёшлар миллий терма жамоасига қабул қилинганини эшитиб севиנדим...”

Мана шу келажакка саёҳат қилган дарсимизга опти йил бўлибди. Орадан вақт ўтди, аммо ёзган иншоларимиз фақатгина болалик орзулари эмас, ҳақиқий мақсадлар эканини исботлай олдик. Ҳозирча натижалар аъло. 2015 йилда ўттиз нафар ўқувчи синфни тугатган бўлсак, бугун ийгирама олти

нафаримиз талабамиз. Менинг иншоим қарамонларнинг тақдирига тўхталсам Тожимуродова Гўзалой ҳозирда Камолддин Бехзод номидаги миллий расомчилик ва дизайн инситути талабаси. У ўз йўналишида кўплаб ютуқларга эришди. Октябров Зафарбек эса, “Умид ниҳоллари”даги ғолиблиқдан кейин, Жисмоний тарбия ва спорт университетининг волейбол мутахассислигида таълим олмақда. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттиришим мумкин. Муҳими, биз устозлар ишончини оқлай олдик. Бизга таълим уйғунлигида тарбия берган, ўз билим ва маслаҳатларини аямаган Ҳоразм вилояти Гурлан тумани 1-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари хусусан синф раҳбаримиз Дилором Аветбоевага синфдошларим номидан катта раҳмат айтман. Меҳр кўзда деганларидек синфдошлар билан таътил кунлари тез-тез қўришиб тураимиз. Турли соҳада таълим олаётган талабалар даврасида қизгин баҳс-мунозаралар бошланиб кетади. Ҳар замонда ўша иншоимизни эслаб, ўтган йилларни сарҳисоб қилиб, келажак учун олдимизга янгидан янги мақсадлар кўямиз.

Шириноى Азадова,
Хоразм вилояти.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри Учтела туманидаги 193-мактабдан Хайритдинов Мухаммадамин Сирожиқдин ўғлига 2019 йил берилган UM 0268889 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



QOYILMAQOM REJA

YOXUD BIROVGA SHOH QAZISANG...



Ана-мана дегунча тайёр бўлган тасвирлар ва аудио ёзувлар Манманхонни шод қилди. Энди бемалол Telegramm каналлари-ю Fesbook ҳамда Instagramm га жойлаб, маза қилиб "олқиш" олса бўлгани! Блогерни совунига кир ювмапти бу бошлиқлар! Нақ бошига ғавғо орттиргани аниқ. Бўлмаса, қачонгача халқни эзади, қорнини қаппайтириб, "Malibu", "Cobalt" минмасдан мундоқ аравада, чанг-у тўзондаям бориб, халқни дардини сўроқласа-чи?! Манманхон ичидаги ҳасадни, ишлайдиган бошлиқларидан олади. Худдики, Манманхоннинг паст лавозими-ю машинаси йўқлигига ҳам улар айбдордек.

Манманхон шундай ўйлар билан бир ой олдин туманга ҳоким бўлиб келган Зафар Илҳомовични бошлаб таъзирини беришга бел боғлаган. Шу йўлда икки кун олдинги мажлис бошланишидан бир оз вақтли обдон ҳокимни асабига ўйнади. Али деса Вали деб, таранглашган жаҳл торларини чертишга чоғланди. Айтган жойидан чиқди. Раҳбар раҳбар-да. Қўл остидаги "лақма" ходим гап уқмаса, яхшилаб "тарбияга олиш" раҳбар учун жоиз эмаси ахир?! Манманхон овуноғи, ғойибона ҳаммаслақлари билан "ғийбатлашадиган" темир қўтидаги қизил тизимнинг катта доирасимон тугмасини босиши билан, "лақма балиқ" қармоқда! Манманхон бошлиқни чув тушириб, шахсиятга тегадиган жойларини монтаж қилиб, ҳокимни тайёр сўқонгичга чиқарди, қўйди. Бир ой олдинги эски бошлиқ билан судлашди, тортишди. Чунки, маданий ходим баъзи-баъзида

блогерлик ҳам қилиб туради. Интернетга чиқарворган эди, бошлиқ тилидан тутилди, бир мажлисда эмас, йиллаб йиғилган гаплар 40 дақиқалик аудиоа акс этди, қўйди. Манманхон лабини чўчайтириб, пешонасини тириштирди. Эски бошлиқ савдолашишни хохламади. Шу "сирлар"и фош бўлмасдан, Манманхоннинг нозик талабини бажарганида, бинойидай ишлаб юрармиди! Блогер деб, аккаунт очган Манманхоннинг "мухлислар"и интернетда талайгина. Манманхон учун ҳам, машхурлик ҳам, пул олиб келадиган бу интернетни ким ўйлаб топган бўлса ҳам отасига раҳмат! Хуллас якка-ю ягона жиянини ҳокимиятга ишга жойлаш учун уринаётган Манманхон бу сафар аниқ қаловини топганига ишонди. Янги бошлиқ Манманхонни дарагини эшитгандирки, ўйлаб муомала қилар, Манманхон бунақа ишларда устаси фаранг бўлиб

кетганди. Ҳар ҳолда у билан қасдлашган бошлиқни кавушини тўғрилаб қўйгани обрусини янада кўтаргандай. Ишхонада ҳам кимсан Манманхон Изтопаровна бўлиб улгурган, ҳеч ким мушугини пишт демайди. Кўчадан иш билан келганларга аввало, ўзини блогер деб таништиргач, кейин каналлари-ю интернетдаги мавқеи ҳақида сўзлаб кетади. Қарабсизки, Манманхон жамиятнинг фаол аъзоси, ҳеч бир шов-шув, янгилик унинг эътиборидан четда эмас. Фақат шу ношуд жиянини ўз ёнига ололмай ҳалак. Яқинда бу ҳам ҳал бўладиган. Янги бошлиқ, шанба куни хужжат ишларидан чекиниб, ходимларни икки соатлик ҳашарга таклиф қилган эди. Идора ҳовлиси учун, гул кўчатлар олиб келибди. Енг шимариб, ишга тушиб кетди. Манманхонни тарафқашлари дангасалиги тутиб, дарров унга шикоят қилишди. Бу нақ Манманхонни кўнглидаги иш бўлди. Телефонни камераси омон бўлсин. Норизо ходимларидан интервью олган "блогер" ҳашар ҳақида бонг уриб, "мажбурий меҳнат", гендер нотенглиги ва ҳоказо тазйиқларни қалаштириб ташлашди. Буни қарангки,

бошлиқ ва қоровул бу пайтда деярли, ишни битириб бўлишган эди. Манманхон камерани ўчириб, тилеғламалик билан бошлиқ ёнидан ишга тушиб кетди.

Манманхон бугун янги бошлиқни танобини тортиб, кичик "илтимос"ини айтиб кўрмоқчи. Зора, "меҳнатлар" и самарасини берса! Қўлидаги "далиллар"-ни икки нусхада сақлаб, бошлиқни олдиға қўйди. Гуёки, талаби учун шу товон бўладигандек. Зафар Илҳомович пинагини ҳам бузмади. Манманхонни ҳайрон қолдириб, диск ва кичик флешкани стол устига қўйди:

Мен ҳам сизга сюрприз тайёрлаганман. Бир бориб кўриб, хулосангизни айтарсиз. Эртага эрталаб, ишда гаплашамиз. Саломат бўлинг.

Манманхон ўйда қолди. Бошлиқ қўлига тутқазган нарсаларни кўриш иштиёқи уни ёндирарди. Уйга кела солиб, ноутбукни олди, дискни қўйди, флешкани тизимга улади. Ана, холос! Ишхонага қачон янги камера қўйилди? Вой қачон бу кадрлар олинган?! Ана сюрприз-у мана сюрприз! Манманхоннинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Саволлар қуйилиб кела бошлади. Нега уни оғохлантиришмади. Ахир деярли ҳеч қайси камера ишламас эди-ку?! Ишлагани ҳам бир соатдан кейин ўчиб кетарди?! Ишхонага келган янги стол-стулларнинг ҳам "ортиқча"си Манманхоннига олиб келинаётган тасвирлар ҳам бор! Тамом бўлди. Қўлидаги япалоқ қаттиқ жиринглади. Янги бошлиқ Зафар Илҳомович кўнгирақ қилаётган эди.

— Алло, Манманхон Изтопаровна, қалайсиз? Совға ёқдимиз? Интернетдаги энг яқин дўстлар ичидаги "Каминаю камтарин" номли аккаунтни эгасини эсладингизми? Юқорида ишлайдиган ашаддий "мухлис" ингизни танидингизми? Ёзишган хабарлару бизга қарши ўзим билан тузган режаларингиз ҳам қўлимда. Далиллар бисёр. Эртага ишхонага келиб, ўз хоҳишингиз билан ариза ёзасизми ёки овора бўлиб қолмаслигингиз учун, тайёрлаб қўйликми?

— Алло, Манманхон Изтопаровна, қалайсиз? Совға ёқдимиз? Интернетдаги энг яқин дўстлар ичидаги "Каминаю камтарин" номли аккаунтни эгасини эсладингизми? Юқорида ишлайдиган ашаддий "мухлис" ингизни танидингизми? Ёзишган хабарлару бизга қарши ўзим билан тузган режаларингиз ҳам қўлимда. Далиллар бисёр. Эртага ишхонага келиб, ўз хоҳишингиз билан ариза ёзасизми ёки овора бўлиб қолмаслигингиз учун, тайёрлаб қўйликми?

— Эшитяпсизми, алло, ҳа майли. Оқ қоғоз тайёрлаб қўямиз, келишда ишхона стулларини олиб келиш эсдан чиқмасин -а, ўртоқ блогер, ариза ёзишда стол ёнига стул керак бўлади...

Манманхоннинг ўтирган шохини синдиришди, уни чув туширишди! Узи лаққага айланди! Жаҳлини жиловлай олмаган Манманхон япалоқ овуноғи, ғаламси сирлар яширган режалар "омбор" ини деворга қараб отди...

Чўлпоной
АХМЕДОВА.

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси - 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилави қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г - 636. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади - 2303. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти - 15:00 Топширилди - 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Малик



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

12345